Оила ва жамият

7 сон • 14 – 20 февраль 2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЁШЛАРГА СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ БЎЛСИН!

"Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилишида Президентимиз ёшлар масаласи давлат сиёсатининг марказида турганини таъкидлади. **"...Ёш йигит-қизлар турмуш қураётган пайтда мураккаб ҳаётий синовлардан ўтади, шу даврда ёрдамга кўпроқ муҳтож бўлади"**,- деди юртбошимиз "Ёш оила" дастурини тузиш масаласига алоҳида тўхталаркан. Дарҳақиқат, ҳар бир ёш йигит-қиз мустақил ҳаётга қадам қўяркан ўз ўрнини топишга интилади.

Ушбу йиғилишда кўтарилган камчилик ва муаммоларга бугунги ёшларимизнинг фикри қандай? Яқиндагина катта орзу-ҳаваслар ила турмуш қурган Иззатилла Абдукаримов ва Нодирахон билан шу хусусда суҳбатлашдик. Иззатилла Матбуот тарқатувчи Акциядорлик Жамиятида, Нодирахон эса Халқ банкида ишлайди. Бу икки бахтиёр ёшнинг дилларида эса бир олам орзулари бор.

- Иззатилла, сизнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати ҳақидаги фикрингиз қандай?

- Гапнинг очиғи "Камолот" жамғармасининг ишларидан кўнглимиз тўлган эмас. Ҳатто, баъзи ёшларимиз бундай жамғарманинг бор ёки йўқлигини, унинг аъзоларининг нима иш билан шуғулланишларини билишмайди ҳам. Энди ёшларнинг "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати тузилишидан хурсандмиз. Бу ташкилот шундай бўлиши керакки, республикамиздаги барча ёшларни Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ватан - ягонадир, Ватан - биттадир" деган шиор остида бирлаштириши зарур. Қайси соҳада ишламайлик, ўқимайлик барчамизнинг, мақсад-муддаомиз - шу юрт, шу Ватан бахти, тараққиётидир. «Камолот» ижтимоий Ҳаракати ёшларни бирлаштириб, эргаштирибгина қолмай уларнинг қувончу ташвишлари, муаммоларига шерик-у ҳамкор бўлса дея умид қиламиз. Токи ҳар бир ёш уни қўлловчи, суянч ва таянч бўлувчи ўз ташкилоти борлигини, ўз орзу-мақсадларини амалга оширмоқ йўлида ёлғиз эмаслигини ҳис қилсин.

- Оилангиз билан "Камолот"нинг янги тузилажак Низом лойиҳасига қандай таклифлар киритган бўлардингиз?

- Биз рафиқам Нодирахон билан ўша куни телевидение орқали "Камолот"га бағишланган кўрсатувни диққат билан кўрдик. Айнан биз ёшларнинг кўнглимиздаги гаплар айтилганидан хурсанд бўлдик. Эндигина оилавий турмушни бошлаган ёшлар дастлаб мураккаб ҳаётий синовлардан ўтиши, ёрдамга муҳтож бўлиши рост. Ўзимиз ҳам шундай ҳолатларни бошимиздан кечирдик. "Камолот" шундай вазиятда ёрдам кўрсатса, ёш оилалар ўзини бир қадар тутиб олади, балки янада мустаҳкамланади.

- Нодирахон, Иззатилланинг сўзларига сиз нима дейсиз?

- Баъзан турли муаммолар, қийинчиликлар оқибатида умид билан қурилган ёш оилалар бузилиб кетади. "Камолот" ижтимоий Ҳаракатининг тузилажак "Ёш оила" дастури биз каби ёш оилаларнинг айни кўнглимиздаги гап бўлди.

- Иззатилла, сиз оиланинг тўнғич фарзандисиз. Агар алоҳида рўзғор қилишга тўғри келса...

- Ҳа, мен тўнғич фарзандман. Вақти келиб алоҳида рўзғор бўлиб яшашга тўғри келади. Мустақил бўлиб яшаш аввалига қийин кечиши табиий. Янги тузилажак "Камолот"нинг ёш оилаларга имтиёзли кредитлар, ёш тадбиркорларга фоизсиз кредитлар ажратилишида ёрдам бериши яхши. Шунда ёш оилалар жамият учун фойдали иш билан шуғулланишлари учун имтиёз ва имконга эга бўлишади.

- Нодирахон, ёш оиланинг бекаси сифатида бу борадаги фикрингиз?..

- Оиламизнинг улуғлари - қайнона-қайнотам иккиси ҳам ўқитувчи. Ҳозирча рўзғорнинг барча ташвишлари уларнинг зиммасида. Шуларга суяниб, ишониб яшаймиз. Отаонамиз ёрдамисиз қийналардик, албатта. "Камолот" келгусида ёш оилаларга суянч ва таянч бўла оладиган ташкилотга айланишини истаймиз.

Басира САЙЙИДАЛИЕВА
О. НУРМАМАТОВ
туширган сурат

МАҲАЛЛА МАДАНИЯТ ГУЗАРИ

Республикамизда илк бор Жиззах вилоятида "Маҳалла маданият гузари" ташкил этилди.

- Ватан - маҳалладан бошланади. Маҳаллалар обод ва тинч бўлса, халқнинг маданияти, маънавияти ривожланса, демак Ватан ободдир, - дейди Халқ ижодиёти маърифий ишлар республика илмий-услубиёт маркази бўлим мудири Муҳаммаджон Қозоқов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги маҳалла гузарларини маданият, маърифат масканларига айлантиришга жиддий эътибор қаратилаётир. Илк бор тажриба тариқасида Жиззах шаҳрининг Равалиқ маҳалла гузари маданият гузарига айлантирилди.

Маданият гузарида маҳалла ёшу қариси бўш вақтларини мазмунли ўтказадилар. Чунки, бу гўшада ҳунармандчилик, косиблик, новвойлик, қандолатчилик, бичиштикиш каби ўнлаб ҳунарлар билан биргаликда ашула, рақс ва бошқа санъат турларини ўргатувчи тўгараклар ўз фаолиятларини бошладилар.

Гузарда маҳалла аҳлига маиший хизмат кўрсатувчи бошқа масканлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Маҳалла ёшларини иш билан таъминлаш мақсадида яқин кунларда турли хил кичик корхоналар ҳам ишга туширилади. Шунингдек, маҳалла ёшлар ташкилоти ҳам ёшлар билан гузарда биргаликда иш олиб борадиган бўлди.

НОЁБ ТУРЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН

Самарқанддаги вилоят ўлкашунослик музейида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб "Ўзбекистонда биологик хилма-хилликни сақлаш" мавзуида кўчма кўргазма очилди.

- Кўргазма Халқаро Ёввойи табиат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилди, - деди музейнинг табиат бўлими мудири, биология фанлари номзоди Наталья Мирмазинская. - Мамлакатимизда яқин ўтмишда табиатга нисбатан шафқатсизларча муносабатда бўлингани туфайли ҳайвонот ва ўсимликлар оламидаги бир неча ноёб турлар йўқолиш арафасига келиб қолган. Экспозициямиздан ана шу бебаҳо бойликларимиз намуналари ўрин олган. Кўргазмани ташкил этишдан мақсадимиз аҳоли ўртасида ёввойи табиатга нисбатан меҳр-мурувват туйғусини уйғотишдир. Токи юртимизда ҳеч ким уларга қарата қурол кўтармасин.

Кўргазмадан Бухоро буғуси, қора лайлак, Ўрта Осиё қундузи каби ноёб жониворлар турлари билан бир қаторда Ўзбекистонда ўсадиган нодир ўсимликлар намуналари ҳам ўрин олган.

Бутун Ўзбекистонда...

2,5 МИЛЛИОН СЎМ ЎТКАЗИЛДИ

Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида Қизил ярим ой жамиятининг хайрия марафони ўтказилди. Даставвал тадбир иштирокчиларига санъаткорларнинг концерт дастури намойиш этилди. Сўнг унда иштирок этган вилоят корхона ва ташкилотлари раҳбарлари Қизил ярим ой жамияти ҳисобига ўзларининг хайрия маблағларини ўтказдилар. Шу куни ўтказилган маблағнинг умумий миқдори 2,5 миллион сўмдан ошди.

Унга шаҳарнинг кам таъминланган, кўп болали оилалари, ёлғиз қариялар ҳам таклиф этилдилар.

Тадбирга Республика ва вилоят Қизил ярим ой жамиятлари жамоалари ҳам ўз совғалари билан келган эдилар. Шу куни Ангрен шаҳридаги икки юзга яқин кам таъминланган, кўп болали оилаларга ва ёлғиз қарияларга кийим-кечаклар ва болалар ўйинчоқлари тақдим этилди.

"Туркистон-пресс"

КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Соғлом авлод. Соғлом авлод ўзи нима? Арабча "валад" - ўғил, фарзанд демакдир... Унинг кўплиги "авлод". Дунёни обод қиладиган, мамлакатни ва халқни бошқарадиган, йўлга соладиган, илм-маърифат тарқатадиган, касбу ҳунар соҳиби ёки она Ватани, юртини ҳар қандай душмандан сақлайдиган посбон, яхшилик, меҳру шафқат уруғларини сепиб, ҳосилини йиғиб оладиган келгуси ҳаётимиз - соғлом авлоддир.

Инсоният пайдо бўлибдики, соғлом авлод тарбияси учун пайғамбарлар, авлиёлар, шоҳу амир, уламою фузало, ота-она, мактаб, мадраса, институт, университет, деҳқону косиб-ҳамма жон куйдиради.

Президентимиз Ислом Каримов ҳам жиддий эътибор берган дастлабки тадбирларидан бири соғлом авлод тарбияси масаласи бўлди. Ёш авлод, келгуси авлод сўзларидан кўра соғлом сўзига алоҳида урғу берилди ва бу тарбиямиз шиорига айланди. Соғлом авлод бу фақат жисмоний соғлом деган сўз эмас. Соғлом авлодни тарбиялаш анча мушкул ва масъулиятли вазифа.

Ота-она биринчи тарбиячи ва фарзанд учун жавобгар. Болани дунёга келтирдими, уни тарбиялаш, илм бериш, касб-ҳунарга ўргатиш, вояга етказиб уйлик-жойлик қилиш инсоний бурчи эканини ота-она асло унутмасин. Мабодо ота-онанинг ўзида тарбия йўқ бўлса, бу - оила учун мусибат, бундай ота-она фарзандига тарбия беришга ожиз. Ҳозирги кунда динимиз ва жамиятимизга ёт ваҳобийлик, ҳизби таҳрир ғояларига берилиб, жиноий ишларга қўл ураётган ёш ўсмирларнинг ота-онаси кимлар, ўз фарзандини йўлга сололмаган, унинг қилмишидан азоб чекиб, қариндошуруғлар олдида, маҳалла-кўйда юзи шувут бўлиб юрган ота-она аввал қаерда эди?

Биз мустақилликка эришиб, болаларимизга ўзимизнинг ота-боболаримиздан удум бўлиб қолган инсоний, исломий, шарқона ахлоқ ва тарбияни сингдириш имконига эга бўлдик. Бу борада асосий тарбия маскани бўлган мактаб ва ўқитувчилар зиммасига жуда катта масъулиятли ва шарафли вазифа - бола тарбияси юкланган. Ота-онадан олган тарбияни бола мактабда такомиллаштиради, маънавий вояга етади, улғаяди, унда мустақил фикрлаш қобилияти юзага келади. Шу билан бирга аввал бир оилада тарбия олган бола энди турлича касб эгалари фарзандлари-ўғил ва қизлар билан мулоқотда бўлади, улар билан дўстлашади, улардаги ҳам ижобий, ҳам салбий хулқ-атворларни сезади. Баъзан яхши ахлоқ йўлини танлаб кетса, баъзан ёмон, салбий йўлларга ҳам оғиб кетиши мумкин. Бунинг учун ота-она ўз фарзандининг юриш-туриши, улфатлари кимлигини зийраклик билан кузатиб бориши, боласида куртак ёзаётган ҳар қандай салбий иллатга ўз вақтида, газак олмасдан чора-тадбир кўриши, барҳам бериши керак. Чунки "ўтиш даври" деб аталадиган балоғат даври бола тақдирини белгилайди. Бу даврни ўқитувчи-тарбиячилар ҳам унутмаслиги, ихтиёридаги ҳар бир ўқувчининг хулқ-атвори, қилмишидан хабардор бўлиши керак. Бола тарбиясига ота-онадан кейин иккинчи жавобгар ўқитувчидир.

Соғлом авлодни тарбиялаш маҳалла ва иш жойидагилар диққат марказида бўлиши ҳам шарт. Битта маҳалладан безори, ўғри, каллакесар, гиёҳванд ёки ичкиликбоз чиқса, бу ўша маҳалла халқи учун иснод. Бирон бир жиноятчи ҳақида эшитсак, дарров: "Бу кимнинг ўғли экан, қайси маҳаллалик ёки қайси қишлоқлик экан?" - деб сўраймиз.

Соғлом авлодни тарбиялашда китобнинг буюк аҳамиятини унутмайлик. Китоб беғараз, беминнат, ҳеч нарса талаб қилмайдиган, қаерга олиб борса бирга юрадиган, адашганни йўлга соладиган, ким бўлишидан, қайси миллат, қайси динда бўлишидан қатъий назар, ҳаммага баробар кечаю кундуз хизмат қиладиган, чарчашни билмайдиган, ундан қанча олинса ҳам камаймайдиган битмас-туганмас хазина, илм-фан, маънавият ва маърифат, ахлоқ-одоб манбаи.

Китоб берган таълимни ота-она ҳам, муаллим ҳам беролмайди. Афсуски, кейинги вақтларда китоб савдосига ва уни ёшларга етказиб беришга эътибор сусайиб кетди. Бу соҳа мутасаддилари фақат серхаридор, тез кетадиган китобларни кўплаб нашр этиш, моддий фойда олиш билан овора бўлмоқдалар, бунинг устига қоғоз танқислиги туфайли китоблар нархи ниҳоятда қиммат бўлиб кетди.

Китоб савдоси билан шуғулланадиган кўплаб йирик китоб дўконлари ёпиб қўйилди. Наманганда Машраб кўчасидаги икки қаватли намунали китоб дўкони қандайдир ташкилотга бериб юборилди. Шаҳар ҳокимияти рўпарасидаги ва Исфарҳондаги китоб дўконлари бузиб юборилди. Кўп олимлар яхши китобларни шахсий маблағи ҳисобидан нашр эттирмоқда, қаерда сотишни билмайди, китоб савдоси билан шуғулланадиган муассаса китобни насияга олади, 2-3 йиллаб пулини бермайди. Бу соҳанинг мутасадди раҳбарлари китоб нашрини, ундан ёшларни баҳраманд этишни жиддий ўйлашлари керак. Бу соғлом авлодни тарбиялашда энг муҳим ва долзарб масаладир.

Буюк Шайх Саъдий деган экан:

Ёд дорики, вақти зодани ту,
Ҳама хандон буданду ту гирён.
Он чунон зики, баъди мурдани ту,
Ҳама гирён шаванду ту хандон.

(Эсингдан чиқмасинки, сен туғилганингда йиғлаб тургансан, бошқалар эса хурсанд бўлишган. Дунёда шундай яшагинки, ўлганингдан кейин ҳамма йиғлаб қолсин, сен эса хурсанд бўлиб кет).

Шайх Саъдий айтган инсонни тарбиялаш муқаддас бурчимиз эканини унутмайлик азиз ва муҳтарам юртдошларим.

Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори, профессор

БОЛА БОШИДАН...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор.

Ислом КАРИМОВ

Ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ўз куртагини таълим-тарбия масканларида очади. Президентимиз Конституциямизнинг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда: **"Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўргатишимиз керак",**- деб таъкидлаган эдилар. Шу мақсадда Республика "Оила" илмий-амалий маркази савобли ишга қўл урди. Яъни "Мактабгача ёшдаги болаларда ҳуқуқий онг ва демократик кўникмаларини ҳосил қилиш" мавзуида машғулотлар дастури яратилди.

Машғулот илк бор Чилонзор туманидаги 406-сон болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳи болалари билан олиб борилди.

Машғулот жараёнида, мактабга тайёрлов ёшидаги 6-7 ёшли болажонларда ҳуқуқий сабоқларни ўрганишга катта қизиқиш ва иштиёқ мавжудлиги кузатилди. Шу боис бу тажрибани оммалаштириш мақсадида шу туман мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари учун амалий семинар ташкил қилинди.

Семинар якунида марказнинг катта илмий ходими У.Исоқова тарбиячилар билан ҳуқуқий масалалар юзасидан қизиқарли савол-жавобларга бой давра суҳбати ўтказди. Конституциямиз юзасидан бўлган савол-жавоблар боғча ёшидаги болаларга соддалаштирилган ҳолда тузилганлиги болаларнинг ҳуқуқий билимларга эга бўлишларида жуда қулай келди.

Бу ташаббус республикамизнинг барча тарбия муассасаларида қўлланилади, дея ишонамиз.

М. АБДУЖАББОРОВА
семинар иштирокчиси

КЎНГЛИМНИ СЎРАГАН "ЧИРОҒИМ"

Бу кун "Оила ва жамият" жуда кўп катта-ю-кичикнинг суюкли минбари, арзи-ҳолини айтиб, юрагини бўшатадиган сирдоши, ўзининг инсон эканлигини ҳис этишига, тўғри йўл топишига ёрдам берадиган меҳрибон маслаҳатгўйи бўлиб қолди.

Ушбу гапларни ёзишимга яна бир сабаб, мана бир неча йилдирки, "Оила ва жамият" менинг Тошкентдан анча олис Қувадаги уйимга ҳар ҳафта ҳол-аҳволимни сўраб, эшигимдан нур бўлиб кириб келаётганидир. Мана янги асрнинг янги кунларида нашр этила бошлаган муборак сонлари ҳам мени "йўқлаб" келганида қанчалар кўнглим кўтарилганини, қанчалар ҳаяжонланганимни билсангиз эди. Гўё туғишган синглим бўлиб, жигардек азиз укам, фарзандим, ёру биродарларим келгандек шошиб қолдим. Ҳа, шошиб қолдим. Чунки менинг барча дўст-кадрдонларим, жигар-гўшаларим, қариндош-уруғларим, фарзандларим барчаси Тошкентда. Улар ҳам келишади, лекин "Оила ва жамият" каби ҳар ҳафтада келишолмайди-да! Келишса ҳам худди "Оила ва жамият" каби ёнимда қолишолмайди-да... "Оила ва жамият" каби мен билан узоқ-узоқ суҳбат қуриша олмайди-да. Ҳа, ҳамманинг ўзига яраша иши бор, ташвиши, оиласи, уйи бор...

Халқимизнинг "Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан", деган нақли жуда тўғри экан. Мусулмон бўлганим рост бўлса, шукр қиламан, шукр! Лекин бу ерда ҳам эҳ-ҳе, қанча дўстлар, қадрдонлар топдим. Кенжа ўғлим Азаматжонни Қувада уйлантириб, Сайёрахондек овозлари майин, иболи, ҳаёли, меҳрибон келин кўрдим. Ширин-шакар набираларим ҳам бор. Иноятхону Иброҳимжондек қудаларим ҳафтада бўлмаса ҳам ҳар ойда эшигимдан кулиб кириб келишиб, кўнглимни шод қилишади. Уларнинг икковлари ҳам муаллим. Бу ерда топган дугоналарим Оминахон, Ҳикоятхон, Кароматхон, Муҳаббатхон, Комилахон, Турдихон ая, Умрчахон ая, Ўғилчахон аяларим ҳолимни сўраб турадиган, гоҳо бошим ёстиққа етса дарров хабар оладиган меҳрибонларимдир. Бу аёлларнинг инсоний фазилатлари ҳақида ажойиб достонлар ёзса арзийди.

Масалан, Кароматхон жуда қувноқ, ҳафсалали аёл. Ташкилотчи. Учрашувларни, дам олишларни уюштириб туради. Хиёл жим бўлиб кетсам, излаб келади. Суҳбатлари ёқимли.

Газетхон минбари

- Ҳай, Санъат опа,- деди у бир куни келиб,- сиз бизнинг қувалик Бекмирза акага турмушга чиқиб, ёз пайтлари Тошкентдан қишлоғимизга келганингизда, бориб эшикдан мўралаб-мўралаб, сизни кўриб кетардик. Кейин «Саодат» журналида чиққан мақолаларингизни битта қўймай ўқиб бордик. Кенжа фарзандимни кутаётганимда: "Илоҳим қиз бўлсин, исмини Санъатхон, қўяй", - деб орзуладим. Ўғил туғилди. Барибир Санъат қўйдим. Ўша Санъатжон ўғлимни уйлантираяпман. Боринг! Албатта! - дейди. Бордим.

Кароматхоннинг турмуш ўртоғи Салим ака ҳам қувноқ, ишчан одам. Улар ахил-иноқ яшашиб, тўрт ўғил, бир қизни ибратли инсонлар қилиб вояга етказишган. Қизлари Табассумхон чевар, яхши бир оиланинг суюкли келини. Ўғиллари Бахтиёржон фермер, Йигитали билан Қаҳрамонжон тракторчи. Адашим Санъатжон комбайн ҳайдовчиси. Булар яхши ишлаб, яхши кийинишни ҳам, яхши уй-жойлар қуриб, мазмунли яшашни ҳам ўрнига қўйишади. Кароматхон тўрт келини билан мисоли опа-сингилдек апоқ-чапоқ. Бу файзли хонадонга борсам, айниқса бу оиланинг кайвони онажони, тўқсон ёшли Зулфия момо билан суҳбатлашсам баҳри-дилим гул-гул очилади.

Умрчахон аянинг бева қолганларига анчагина бўлди. Лекин ўғил-қизларига ҳам ота, ҳам она у киши. Болаларга, келинларга бош бўлиб, томоркада доим мўл ҳосил етиштирадилар. Ёшлари етмишдан ошиб, невара-чевералар кўрган бу табаррук аямиз каттадан ҳам, кичикдан ҳам хабар олишни канда қилмайдилар. Бирор тансиқроқ таом тайёрласалар бас, бизга илинганлари-илинган...

Эҳ-ҳе, қай бирини таърифлай. Бундай одамлар жуда-жуда кўп Қувада. Лекин гапнинг очиғи ҳамма жойга ҳам ҳар ҳафта боравермайсан, киши. Бошқаларнинг ҳам ҳар ҳафта келишга вақти йўқ. Газета эса ҳар ҳафта ҳузуримда. Яшасин газета! Кўнглимни ҳар куни ёритадиган чироғим у.

"Оила ва жамият" шундайки, ундаги бировнинг тақдири ҳақида ўқиб шукр қиласан. Яна бировнинг тақдири ҳақида ўқиб фикр қиласан. Қаддингни тиклайсан. Ҳаётингга меҳр қўясан. Айниқса, навниҳол келиним Сайёрахон "Оила ва жамият"-ни ўқиб, ҳаётга тийрак назар ташлайдиган, ўйчан, мулоҳазали бўлиб бораяпти...

Ҳар ҳафта уйимни, кўнглимни ёритиб, узоқ қишлоққа мени сўроқлаб келадиган рўзнома ижодий жамоаси Сизга ташаккур! Бу газетага ўз қувончу ташвишлари ҳақида ёзиб мазмундорлигини янада ошираётган минглаб юртдошларимизга ҳам беадад ташаккур! Келинглар, Қувага!

Санъат МАҲМУДОВА

Зулфия МЎМИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН

У ҳам саҳар туриб омонлик кутар
Қизлари ой каби тўлинларига.
Уялмасин дебми қарамай ўтар
Ўзидан кеч турган келинларига.

Ана аравага қишнинг кунлари
Саратон сарғайтган янтоқни ортар.
Кейин отам каби пичан ғарами
Ёнида хаёлчан тамаки тортар.

У ҳам қайғуради далаларини
Тутмасин урушнинг ғубори, доғи.
У ҳам санамайди болаларини
Баракаси учар деб, ўйлайди чоғи.

Шунданми уйида чақалоқ кулар
Ўйнаб бешигининг зар мунчоғини.
Шунданми аёли ой каби тўлар,
Шод кучиб бешикнинг суянчиғини.

Яктагида терлар ором олар кеч
Яхшилик кўргазса гапириб юрмас.
Отамдек олганин унутмайди ҳеч,
Бировга не берса ёдида турмас...

ҚИЗИМ САОДАТГА

Оловлардан олиб чиққан оқ, гулим,
Бодом гулим, қорлардан оппоқ, гулим.
Салом бергин дўстим, душманимга ҳам,
Оҳулару, оққушга ўртоқ, гулим.

Менинг тўккан кўз ёшларим - маржонлар,
Маржонларим оқ бўйнингга тақ, гулим.
Бу тошларку менга тегиб ушалди,
Қўрқма гулим, бахтли-бахтли боқ, гулим.

Тиконлари товонимда тугади,
Йўлларингда қолмади янтоқ гулим.
Руҳимдаги тушкунликка ўт қўйди,
Кўзларингда чақнаган чақмоқ, гулим

Сен келдингу тилга кирди гулдираб,
Жонгинамда минг битта булоқ гулим.
Адашмадим, сахроларда чорлади,
Сочингдаги сирли қўнғироқ, гулим.

Бир кун ўтсам, йиғлаб юрма қабримда,
Овозингда сезмайин титроқ, гулим.
Фақат шеър айт, ер остидан эшитгум,
Олтин гулим, ортимда уйғоқ гулим.

КЎЗЛАРИМДА ЧАҚНАГАН ЧАҚМОҚ ГУЛИМ...

* * *

Гўё биз минг йилки сухбатдадирмиз,
Энг ёруғ, энг тоза ҳайратдадирмиз,
Энг гўзал, энг ширин ҳаётда бормиз,
Сени менингчалик ҳеч ким билмайди.

Гарчи мен кўрмадим лолаларингни,
Кимнинг бўйи тутмиш хоналарингни,
Мен гул кулиб ўпдим ойналарингни,
Сени менингчалик ҳеч ким билмайди.

Қушимда кўраман дафтарларингни,
Ҳушимда тераман ахтарларингни,
Тушимда сезаман хатарларингни,
Сени менингчалик ҳеч ким билмайди.

Юрагимдан ўтган изинг билмайсан,
Кўнглингни менчалик ўзинг билмайсан,
Мен энди ўлмайман, сен ҳам ўлмайсан.
Сени менингчалик ҳеч ким билмайди.

Қошлар қилич сени қўриқлаб ётгай,
Тишлар оққанд мисол болига тортгай,
Сўзлар - олов сўзланмай йиғлаб ётгай,
Сени менингчалик ҳеч ким билмайди.

Сен - оташ, кимларнинг қаловин ёқдинг,
Сен - олтин кумларга қўшилиб оқдинг,
Сен - оқдил ёқасан, сен менга ёқдинг,
Буни мендан бошқа ҳеч ким билмайди.

* * *

Неча йил тушда ҳам кўрмасман,
Кўзимдан дур оқар термасман,
Ҳанжарсиз, юракдан суғирмасман,
Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Соғинч сахросида кийик сирдошим,
Аждар оғзидаги гул жабрдошим,
Бўронларда учган қуш фикрдошим,
Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Оқ гуллар очилган рўз менга,
Бу сокин, улуғвор куз менга,
Бахтимсиз азизим сиз менга,
Шунчалар яқинсиз, яқинсиз.

Ҳасратим қонида яшайсиз,
Ҳайрату ҳайронида яшайсиз,
Дил қушим жонида яшайсиз,
Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

Уммон хаёлида гуллайвераман,
Баҳорда муждалар йўллайвераман,
Нафасингиз келар гуллайвераман,
Сиз менга яқинсиз, яқинсиз.

* * *

Келишган азизим, кўркам азизим,
Бу дунё доимо бир кам азизим.
Кўзингизда ёш-ла кулиб боқарсиз,
Бу кулгу бунчалар гўзал азизим.

Оқ кўнгил азизим, оқ дил азизим,
Ўзимман армонга сингил, азизим.
Пойандоз ташладим мен мағрур туриб,
Бош эгиб ўтарсиз оқ йўл, азизим.

Йўлингизни берсин, хандон етгайсиз,
Қанотимга санчиб камон етгайсиз.
Мен ўша камонни силаб яшарман,
Сиз эсон етгайсиз, эсон етгайсиз.

Давр. Ижод. Оила

УМР ЙЎЛДОШИМ ФИКРАТ АКАМГА

Кулгингиз қиш чоғи - атиргул,
Қаҳрингиз чиллада қордир ёр.
Қиличдек кесдингиз гумонни,
Гумонлар бўйнимга дордир ёр.

Қоп-қора кўзларинг тубида,
Оқ субҳу-содиқлар боқар ёр.
Минг сирли саволлар ичида,
Минг сирли сандиқлар оқар ёр.

Ерларга тегмаган елкаси,
Оловсиз, кўзлари чўғлисиз.
Сиз паризодларнинг укаси,
Сиз парипайкарнинг ўғлисиз.

Сиз тутган олмалар оддиймас,
Олтиндир кулгуси кумуш ёр.
Сиз берган чечаклар шивирлаб,
Қулоққа нималар демиш ёр.

Икки қиз - иккита кўзингиз,
Остонам - беғубор мамлакат.
Ўт, сувдан тухматдан асрасин,
Ибодат қилурман, ибодат.

Юрагим устида бир кийик,
Юради. Сиз уни кўрибсиз.
Сайёдлар қўшоғиз, беш оғиз,
Қалқоним, кўп ҳушёр турибсиз.

Яхшига йўйингиз таъбирин,
Тушимда ўрик оқ гулламиш.
Арован боғидан отангиз,
Бизга оқ олмалар йўлламиш.

Дегайсиз: Йиғлатиб қўймасман,
Ёқибсиз қайғули дафтарим.
Очиқ юз боқасиз оламга,
Камгапу, камсуқум, камтарин.

Бағрингиз баҳорлар ўлкаси,
Ботирлар ичида туғлисиз.
Сиз паризодларнинг укаси,
Сиз парипайкарнинг ўғлисиз.

ЭР КЕЛГАНДА УЙДА БЎЛ!

Бувим раҳматли ўзларини кўришга келган холамни икки, уч соатдан кейин: "Майли болам, энди уйингга бора қол. Эринг сен йўқ уйга кириб келмасин. Эринг келганда уй берк, ошхонанг бўм-бўш турмасин. Ўртага совуқлик тушмасин", - деб қизларини яхши маънода ҳайдардилар. Озиб-ёзиб бир келибсан бағримда яйраб ўтира қол ёки ўша эринг бир марта овқатни ўрнига нон-чой ича қолсин демасдилар. Ҳозирги вақтда бувим раҳматлидан мерос ўша ўгитни ҳаётга тадбиқ этса бўладимикин ёки йўқ. Сабаб, овқат музлатгичда туради, шундоқ олиб печга қўйса эр ҳазратларини қоринлари бир пасда тўяди-ку, деб ўйлаймиз. Шундай хотиржамлик билан қолдириб кетган овқатимиз ҳатто жойидан ҳам қимирламаганини кўриб ҳайрон қоламиз. Нега бошқаларни эри хотини уйда йўқ бўлса ҳам тўйиб, тинчиб ўтиради-ю, меники эса чой ҳам ичмайди деб хунобимиз ошади. Аслида-чи? Аслида сенсиз томоғидан сув ҳам ўтмай, сенсиз таом татимай турганидан, сенга шундай боғланганидан хурсанд бўлишинг керак, бандаи нодон.

Эрга чой узатмоқ, таом тутмоқ уни фақат қорнини тўйдирмоқ эмас, эҳтиромли қарашларимиз ила уни ниго-ҳини бойитмоқ, ширин товушимиз, муомаламиз ила шуурини тўйдирмоқ, қолаверса шарқона дастурхон атрофидаги маданиятимиз ила унинг қалбини тўлдирмоқ эмасму?

Биз ўзбек аёлларининг қонида уйга боғлиқлик момомерос. Қаерда бўлмайлик хаёлимиз уйда. Нимадир уйга тортаверади. Хавотиримиз ҳам уйда, хотиржамлигимиз ҳам уйда.

Қаерда бўлмайлик эрдан олдин уйда бўлишга ҳаракат қиламиз. Келинларга ҳам айтаримиз ушбу: У ерда бўл, бу ерда бўл - эр келганда уйда бўл...

* * *

Келинчаксан мисли ой,
Келинчаксан мисли гул.
У ерда бўл, бу ерда бўл,
Эр келганда уйда бўл.
Синглингни кўришга бор,
Опангни кўришга бор.
Бемор онанг кирин ювиб,
Сочини ўришга бор.
Лек хаёлинг уйда бўлсин,
Оёғингга қанот ил.
У ерда бўл, бу ерда бўл,
Эр келганда уйда бўл.
Аммангдан қарзларинг кўп,
Холангдан қарзларинг кўп.
Улар сенга кўп ўтказган,
Чақирсалар унда бўл.
У ерда бўл, бу ерда бўл,
Эр келганда уйда бўл.
Сен қанчалар зебосан,
Сен қанчалар санамсан.
Кутубхона, пардозхона,
Назокатда тилда бўл.
Лек хаёлинг уйда бўлсин,
Кўлларингга қанот ил.
У ерда бўл, бу ерда бўл,
Эр келганда уйда бўл.
Бу дунёда қайғу кўп,
Бу дунёда ҳасрат мўл.
Чақирсалар чарларга бор,
Чорласалар тўйда бўл.
Лек хаёлинг уйда бўлсин,
Кўлларингга қанот ил.
У ерда бўл, бу ерда бўл,
Эр келганда уйда бўл.

ҲАР ИШДА ТАДБИР ЗАРУР

1958 йил. Мен ёш фельдшерни Бешариқ туманининг Яккатут қишлоғидаги тиббий пунктга ишга юборишди. Бу ердагилар мени "тошкентлик дўхтир" деб аташарди. Мен ишлаган мўъжазгина муассаса Серак қишлоғида жойлашган эди. Шу яқин орада жуда катта, баҳайбат жийда дарахти бўлиб бу жойни "Кўк йўтал бувам" деб аташар эди.

Ҳар чоршанба "Кўк йўтал бувам"га шифоталаб одамлар келишарди. Шу куни ён атроф ниҳоятда гавжум бўларди. Шу "Кўк йўтал бувам" туфайли мен чоршанба куни ишсиз қолардим. Чунки шу куни беморлар менинг олдимга эмас, жийда қошига ошиқишарди. Жийда дарахти билан ўртамизда аллақандай ўзига хос рақобат юзага келганди. Лекин бир воқеадан сўнг...

Кунларнинг бирида "Победа" машинасида бир ёш йигит келиб:

- Кекса отамиз икки кечадан бери "ҳиқ-ҳиқ" қилиб ётибдилар. Биронта дўхтир ёрдам бера олмади. Нажот излаб сизга келдик,- деди. Мен Тошкентдан ўзим билан учта китоб олиб келган эдим. Бири русча-ўзбекча луғат, иккинчиси Ибн Синонинг "Тиб қонунлари" асари ва ниҳоят, учинчиси "Фельдшер маълумотномаси" китоби эди. Бир соат китоб титиб, "ҳиқичоқ"ни рус тилида "икота" дейилишини билиб, унга ухлатувчи - люминал дориси даъво эканлигини, у 8 соат тинчлантириб ухлатишини билиб олдим.

Мен машина келиши билан уч доза люминални аралаштириб, тайёрлаб, бемор олдига равона бўлдим. Беморнинг ҳовлисига қўни-қўшни, қариндош-уруғлар тўпланган эди. Ҳовлига киришим билан "Ана, тошкентлик дўхтир келди", - деб овоза қилишди.

Мени уй ичига бошладилар. Уй тўрида 75-76 ёшларга кирган узун соқолли чол кўзи юмуқ ҳолда "ҳиқ", "ҳиқ", "ҳиқ" қилиб, ҳиқичоқ тутиб ётар эди. Мен 40 дақиқа ичида ҳиқичоқни тўхтатишимни эълон қилиб, аччиқ чой дамлаб келишларини буюрдим. Аччиқ чой билан уч доза оширилган дорини "ичириб юбордим". Бемор 24 соат ухлаб, соғайиб уйғонишини айтдим.

Ҳақиқатан айтганим бўлиб, 40 дақиқа ичида ҳиқичоқ тўхтади. Бу мўъжизани кўрган тумонат одам менга миннатдорчилик билдириб, "Барака топгур, тошкентлик дўхтир тошкентлик-да",- деб қолишди.

Мен ўз иш жойимга қайтиб, рақибим жийда дарахтига мағрурона қараб қўйдим. Эртасига 25 соат ўтгач ҳам бемор уйғонмаганлиги ҳақидаги хабар келди. Шундагина мен люминални ошиқ дозада берганимни сездим. Мен илоҳий дарахт "Кўк йўтал бувам"дан енгилаётгандек унга бир хўмрайиб қараб қўйдим. Беморнинг ўғлига эса бир соатдан кейин келишни буюриб, фельдшерлик қизил китобимни яна тита бошладим. Энди уйқудан бош кўтаролмай ётган беморимга кофеин даъво эканлигини аниқладим ва ишга киришдим. Охири хартугул чол кўзини очди. Азбаройи суюнганимдан: "Ассалому алайкум, бормисиз отагинам",- деб бақириб юборибман. Ҳовлида мени кузатиб турган одамлар орасида қаттиқ кулгу кўтарилди. Касалликдан фориғ бўлган отахон билан мени одамлар табриклашиб, хонадон қувончи бир пасда бутун қишлоққа ёйилди.

Шу-шу ҳафтанинг ҳамма кунида "Кўк йўтал бувам"га эмас, мен бош бўлган шифохонага беморлар келадиган бўлишди. Илоҳий жийда дарахти билан бўлган рақобатда мен енгиб чиқдим.

Эргаш САЛИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

ҚАЙТАР ДУНЁ

Шарофат хола қўшни маҳаллада бўлган "мавлуд"дан қайтаркан, отин бувининг айтган гапларини ўзича хаёлидан ўтказиб келарди.

Отин буви: "Бу дунёда ҳеч нарса жавобсиз қолмайди: яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам албатта қайтади, "ал қасосулминал ҳақ", деб бежиз айтишмаган. Шунинг учун кишилар ҳамиша бир-бирига хушмуомала бўлиши лозим. Бировнинг дилини оғритмасдан, бу ғаниматдунёда бир-биримизни эҳтиётлашимиз керак",-деганда негадир раҳматли қайнонасини эслаб қолди. Қайнонаси билан бир гал жанжаллашиб қолишганда, қўлига тушган яримта ғиштни унга қаратиб отиб юборган ва қайнонасининг боши ёрилиб анча ётиб қолганди.

...Ўша воқеадан сўнг уни эри ҳайдаб юборган, ота-онасини уйида бир-икки ой тургач, яна қайнонаси раҳматли ўртага тушиб, келинини қайтариб олиб келган, уйга келгач ҳам ўғлини уришиб, эр-хотинни муросага келтирганди.

Ўтган воқеаларни хотирларкан, Шарофат холанинг хаёлига беихтиёр ўзининг келини келди. Мана, ўн йилдан ошибдики, Шарофат холанинг хизматида. Худо ярлақаб, келиндан берган: келин бўлиб тушибдики, каттани ҳурмат, кичикни иззат қилади. Шу йиллар мобайнида бирон оғиз гап қайтарганини билмайди. Ҳамма вақт ўз ишини билиб қилади,ҳамиша қайнонасининг хизматига шай. Баъзан ҳаётда бўлиб тургандай, келишмовчиликлар рўй берса, Шарофат хола уришиб беради-шунда ҳам индамай ишини қилиб кетаверади, оғир ботган кезлари эса уйига кириб кетиб йиғлаб олади-да, яна ҳеч нима бўлмагандай кулиб чиқиб, юмуши билан овуниб кетаверади.

"Отин буви ҳам ҳар гапни гапираверраркан-да,-дилидан кечирди Шарофат хола. - Бу келиндан бир нарса қайтиш уёқда турсин, одамнинг кўзига тик қарай олмайди-ку"... Шу хаёллар билан уйига етиб келган Шарофат холани келини кулибгина қарши олди:

- Яхши бориб келдингизми, ойижон?-дея қўлидан дастурхонни олди. Қайнона-келин уй томон юришди. Шарофат хола келинига боқаркан, яна отин бувининг гаплари ёдига тушиб, дили ғаш бўлди.

Орадан кунлар ўтди. Рўзғор юмушларига ўралашиб, бўлиб ўтган гаплар ҳам ёддан кўтарилди. Иттифоқо, бир куни Шарофат хола келинига томдан ниманидир олиб тушишни буюрдида, нарвон нобоплиги учун ўзи пастда ушлаб турди.

Эски-туски кийимларнинг орасидан айтилган нарсани олиб тушаётган келиннинг оёғи бехосдан том четида турган ғиштга тегиб кетиб, тўғри Шарофат холанинг бошига тушди. Кўзларидан ўт чақнаб, ҳушидан кетаркан, қулоқлари остида отин бувининг "ал қасосул-минал ҳақ" деган сўзлари жаранглагандек бўлди...

Ҳамдамжон ИМОМОВ
Фарғона вилояти,
Қува тумани

ҲАЁТ
ташвишлари ва қувончлари

КЎНГИЛ

Бу воқеага ўн йилдан ошди. Эсласам, беихтиёр кулгим келади-ю, лекин барибир, аёл қалбининг нозикдан-да нозик эканлигига, айниқса... бир ажиб фаслда...

Баҳорнинг сўнгги кунлари эди. Нимагадир хаёлимдан нок кетмай қолди. Кўксимнинг бир жойи жизиллаб турганга ўхшарди. Нок есам, худди ўша ҳарорат босиладигандай. Тушларимда нок кўраман, у сувда қалқиб оқиб бораётган бўлади - интилиб ушлолмайман, ё баланд шохда осилиб турган бўлади - бўйим етмайди. Икки яшарлик ўғлим билан бозорга бориш нокулай, қолаверса бозордан нок топа оламанми-йўқми бунисиям номаълум. Ниҳоят, турмуш ўртоғимга бир куни эрталаб:

- Бозорда нок бормикин?- дедим.

Булар кулиб: "Янгидан нок пишадиган пайт келаяпти-ю... нима, тушингизга нок кирдими?"- дедилару ишга кетдилар. Ўша куни... назаримда, турмуш ўртоғим худди нок олиб келадигандай эди, кеч бўлишини бир ғалати ҳаяжон билан кутдим. Бағримдаги жизиллаш шу оқшом таскин топадигандай эди.

Қўнғироқ жиринглаганди, учиб бордим. Ёш болага ўхшаб дарров турмуш ўртоғимнинг қўлларига қарабман. Нок йўқ эди...

- Нок йўқ эканми?- дедим кўриб турган бўлсам ҳам. - Ё бозорга кирмадингизми?

- Кирдим, кирдим, ҳозир нок қоптими?- дедилар.

Индамадим, индамадим-у, дилу жонимдан нималар ўтганини Худо билади.

Эртасига эрталаб турмуш ўртоғимни ишга жўнатдим-у, болани кўтариб бозорга ошикдим. Умид ва умидсизлик билан пештахталарни қараб бораётсам, бир кекса отахон ихчам тоғорага нок терааяптилар, юмшоқ қоғозларга ўралган нокларни авайлаб очиб, битта-битта терааяптилар. Бор пулимни бериб: "Мана шунга бир донагина бўлсаям беринг",- дедим. Икки дона нок бердилар. Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Шошилиб нок емоққа бошладим, биттасини едим-у... кўнглим беҳузур бўлди.

Сал ўтмай билдим, кўксимда иккинчи фарзандимнинг гумонаси бор экан. Ўшандан буён нима воқеалар бўлиб ўтмади. Лекин ўша нок билан боғлиқ ҳолда жисмимдан, руҳимдан кечган воқеалар сира ёдимдан чиқмайди. Бу воқеани ёзсам ҳам, ёзмасам ҳам бўларди. Балким, янги уйланган, ота бўлиш орзуси, қувончида юрган укаларимизга қандайдир бир ибрат бўлар, аёл қалбининг фақат ўзига хос табиий хислатидан огоҳ бўлишларига ёрдам берар, деган умидда қўлимга қалам олдим.

БОНУ

«КАСАЛ ХОТИН КИМГА ҲАМ КЕРАК?..»

Самарқанд вилояти туманлараро меҳнат экспертиза комиссияларидан бирида ҳамшира бўлиб ишлайман. Касбим тақозоси билан ҳар куни турли тоифа кишилар билан учрашаман, суҳбатлашаман. Баъзи кишилар тўрт мучалари соғ бўлиб, ногиронликни даво қилишса, баъзилари қачон тузалар эканман-у, ишлар эканман дейишади. Иш кунларимни бирида гарчи қош-кўзларини бўямаган бўлса-да, худди кўзларига сурма суртгандек қоп-қора, буғдойранг кўхликкина бир аёлни (ёши 42 да) ҳужжатларини қабул қилдим. Ногиронларга очиладиган далолатномани "оилавий аҳволи" бандига келганимда, аёлни кўзларидан аччиқ ёш беихтиёр сизиб чиқди. «Кечирасиз синглим, касал хотин кимга ҳам керак? Эрим, беш нафар фарзандим бор. Икки йил бўлди. Сен касалсан, ногиронсан, деб касалхонада даволанаётган пайтимда мени ташлаб, ёшгина, икки нафар фарзандни никоҳсиз туққан, тўйма-тўй юриб отарчилик қилаётган бир аёлга уйланиб олган», - деди ҳамон кўз ёшларини тия олмай. «Хафа бўлманг опа, ахир икки ўғил, уч қизингиз бор экан, насиб бўлса шуларни ҳузурини кўрасиз. Ахир ногиронлик абадий эмас. Бир кун келиб ҳаммаси эсингиздан чиқади. Неча-неча ногиронлар даволанишлардан сўнг тузалиб кетишган, ҳозир ишлашяпти. Дардини берган Худо шифосини ҳам беради»,- дедим бутун вужуди титраб йиғлаётган аёлни юпатмоқчи бўлиб. "Биласизми", - аёл яна сўзини давом эттирди, - мен эримни айбламайман, мен ўша суюқоёқни айблайман, чунки эрим табиатан босиқ, жуда меҳрибон, ўйловли эди. Қандай қилиб бизни ташлаб кетганига ҳайронман, нима бўлганда ҳам ўша юзсиз йўлдан урди. Майли, Худога солдим. Эрим ҳайдовчи бўлиб ишлар, топиши яхши эди, аёлга пул керак, машина керак". Аёлни ҳужжатларига секингина кўз қиримни ташладим. Ташхис: "Ўнг кўкрак безида саратон касаллиги". Аёл яна сўзида давом этди: «Катта ўғлим олийгоҳда тўртинчи курсда ўқир эди. Бу йил ўқишни сиртқи бўлимга ўтказди. Ҳозир дадаси ишлаётган автоколоннада таъмирловчи бўлиб ишлаяпти». «Бўлмаса дадаси билан учрашиб турар экан-да?». «Йўқ, нималар деяпсиз, яқинда катта қизимни узатдик, тўйга ҳам келмади. Айттирган эдик. «Бора олмайман жанжал қилади, хотиним жуда рашкчи»,-депти». Аёлга ичимдан раҳмим келди, уни қандай қилиб юпатишни билмай қолдим. Ўша эркакдан жуда-жуда нафратланиб кетдим. Наҳотки, вақтинчалик оила қийинчиликларига дош бера олмай, йигирма икки йил бир ёстиққа бош қўйган хотини, ўз фарзандларининг онаси тасодифан касал бўладию, ана шу кунларда унинг кўнглини кўтариш, бор меҳрини бериш ўрнига ташлаб кетса, рўзғорни оғир юкини осонгина елкасидан туширса. «Эҳ, ношуд, виждонсиз эркак, сиз ўзингиз яшаётган тумандаги Яхшимурод акани биласизми? У киши сиздек эркак эмасми»,-дегим келди. Яхшимурод Давронов ўзлари шифокор, шу билан биргаликда болалар шоири, бир нечта китоблари чиққан. Исми-жисмига монанд бу эркак ўз севган ёри Сабоҳат опа билан беш нафар болани тарбиялашди, вояга етказишди. "Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди" деганларидек, Сабоҳат опа 1992 йилда "қандли диабет" хасталиги билан хасталандилар, касаллик оёққа ўтгач, аввал бир оёқлари, кейин иккинчи оёқларидан ажралдилар. Йўқ, Яхшимурод ака бошқа жувонга кўз олайтирмадилар. Қайтанга Сабоҳат опага янада меҳр қўйдилар. Юзларидан доимо нур таралиб турадиган бу кишини бир кўрган одам ҳеч ғами йўқ, жуда хушчақчақ дейди, чунки у киши бирор марта ҳам нолимайдилар. Яқинда Яхшимурод ака ногиронлар аравачасига йўлланма олиш учун келдилар. "Сабоҳат опа яхшиларми?",-сўрайман у кишидан. "Раҳмат, Худога шукр, анча дуруст, кундузи болалар қарайди, кечаси ўзим. Касали хуруж қилса, ўзи ҳам қийналади, бизни ҳам қийнайди, бўлмаса... Қани энди аравачани олайлик-чи, ўзи ҳовлига, қўни-қўшниникига чиқар, касалини бироз унутар».

Қани энди ҳамма эркаклар ҳам сиздек олижаноб, олийҳиммат бўлса, садоқатингизга тасанно, Яхшимурод ака. Сиз-чи, эй номард эркак, балки сиз адашгандирсиз, балки сизни алдашгандир. Ҳали ҳам кеч эмас, фарзандларингиз кечиришади, уйингизга қайтинг. Улар билан бирга бўлинг, ўз жуфти ҳалолингизни бир дардига юз дард қўшманг. Бегуноҳ хаста аёлнинг кўз ёшини бекорга оқизманг, Оллоҳнинг қаҳри келади.

Рухсора РАҲИМОВА
Самарқанд вилояти,
Жума шаҳри

МЕҲНАТ - ФАРОҒАТ МАНБАИ

"Шунчалик ҳам инсофсиз бўлишадими?" - 44-сон

Учқунбек, сиз бу мақолани ўта қуюнчаклик билан ёзибсиз. Ҳақиқатан ҳам кишиларнинг ўзига инсоф бермаса, ҳар қанча қонун-фармонлар бекор экан. Сиз ўз мактубингизда: "Бу йигитларни Худо уриб қўймайдими? Виждонлари бир умр азобда қолмайдими?" - деб юрагингиздан ўртаниб мактуб битибсиз ва ўша нотавони ожизга 1000 сўм бериб кўп савобга қолибсиз.

Энди укажон, улар-ку йигит киши бўла туриб шу ишни қилишганини ачиниб ёзибсиз. Мен ҳам ўзим гувоҳ бўлган воқеани айтай, сиз қулоқ тутинг.

Мен беш-олти йилдан буён бозорда тирикчилик қиламан. Харидорнинг ҳақидан уриб қолишни ор деб биламан. Негаки, бир луқма ҳаром таом ҳам болаларимни ёмон йўлга бошлашидан чўчийман. Одамларга қўлимдан келганча яхшилик қилишга интиламан. Хуллас, яқинда (бунга ҳали бир хафта бўлгани йўқ) гўшт бозорида бир йигитнинг йиғлаб, хомуш ўтирганига кўзим тушди. Беихтиёр унга яқин бориб: «Ҳа, ука, тинчликми?» - деб сўрадим. Шунда йигит бошидан ўтган кечмишларини гапириб берди.

Йигит асли қашқадарёлик бўлиб, у ёқдан Тошкентга сотишга қўй олиб келар экан. Шу куни ҳам у йигирмата қўйни олиб шериги билан йўлга тушишибди. Йўлда машинани бир йўловчи аёл тўхтатиб, икки қўйини машинага ортади ва йўл давомида бозорга қўй сотишга кетаётганини, оиласи иқтисодий ночор аҳволга тушиб қийналиб қолганини айтади. Ҳар қалай, ҳамроҳ йигитлар, ҳамшаҳарларига ичлари ачиб, қўлларидан келган ёрдамни беришга тайёр эканликларини айтишади. Бу гапдан аёлнинг чиройи очилиб, йўл давомида уларга гурунг бериб келади. Ҳаммалари биргаликда қўйларини олиб қушхонада сўйдиришади ва гўштларни улгуржи нархда сотишади. Уч киши эмасми, ҳалиги икки йигит қандайдир иш билан чалғишади, бу орада гўштни сотиб олган йигитлар аёлни олдига келиб: "Сиз гўшт топширган йигитни шеригимисиз?" - деб сўраганида, у "ҳа, эрим", - дейди тап тортмай. Гўшт сотувчи йигит бир кам юз минг сўм пулни аёлни қўлига тутқазганида аёлнинг қўллари қалтираб қолади ва ўзининг нарсаларини гаровга қолдириб "ҳозир келаман", - дейдию, кўчага чиқиб қуён расмини чизади. "Нексия" русумли машинага ўтириб қочиб кетади. Бояги йигитлар келиб қарашсаки, на аёл бор, на пул. Воқеадан воқиф бўлишиб, зир чопишади, аммо ҳеч нарсага эриша олмайдилар. Бирданига шунча пулни йўқотганидан хафа бўлган йигит шеригига: "Ахир сен менга шериксанку, кел, йўқолган пулни ярмини сен тўла..." - дейди. Ҳамроҳи эса: "Ие, у аёл сени "хотининг" экан-ку, кечирасан, қандай қилиб пулни йўқотган бўлсанг, шундай қилиб топ..." - дебди. Унинг саргузаштини эшитиб кулишимни ҳам, куйишимни ҳам билмай қолдим. Йигит эса куладиган алфозда эмасди.

ЭСЛАТМА: *Кўларни бирида мошинамни тузатиш учун устохонага бордим. Шу ерда кўзи ожиз бир одамга дуч келдим. Бу одам иккала кўзи ҳам ожизлиги боис даволаниш учун Тошкентга келган экан, афсуски 2 та йигит уни олти минг сўм пулини ўғирлаб, ўзини алдаб кетишибди.*

Учқун ТОЛБОБОЕВ

- Опа, энди дадамга нима дейман-а? Шунча қўйнинг пулини қаёқдан топиб бераман? Ўзи ҳеч кимга яхшилик қилиш керак эмас экан-да, - деди у афсуснадомат билан бош чайқаб.

Биз аёллар қай биримиз она, қай биримиз сингил ва ёки фарзандмиз. Ким бўлишимиздан қатъий назар, эркакларга аёл-кишини улуғлаш лозимлигини бот-бот эслатиб турамиз. Беш қўл баробар бўлмаса-да, орамизда бировнинг луқмаи ҳалолига кўз олайтирувчи бадфаф аёллар ҳам йўқ эмас. Ўша аёл бировнинг пулини қандай қилиб болалари оғзига тутди экан? Ўша ҳаром луқмадан тотиган фарзандлар эртага қандай инсон бўлиб етишишаркан-а?

Куни кеча ёнимда кўкат сотувчи шеригим жиғибийрони чиқиб шундай деди:

- Эй, синглим, бу дунёнинг ишларига тушунмай қолдим. Буни қаранг, куни кеча юқоридаги бозорда савдо қилувчи аёлдан бир литр қаймоқни 1350 сўмга олгандим. Буни қарангки, ярми қаймоқ, ярми қатиқ экан... Инсофсизлик ҳам шу даражада бўладими?

Учқунбек, сиз-ку ҳали ҳаёт бўсағасида турган норасида йигитлардан хафа бўлиб мактуб ёзибсиз. Аммо, оқу қорани танийдиган, икки-уч фарзандга она бўлган, "заифаи-ожизаларнинг" бу қилмишларини қандай баҳолайсиз? Эътиқодли кишилар ҳеч ҳам бировнинг ҳаққига кўз олайтиришмайди. Қолаверса, биз ҳаммамиз фақат меҳнат қилибгина фароғатга эришишимиз мумкин. Меҳнат оддий кунларни ҳам байрамга айлантириб юборади, кўнглингиз тинч, юрагингиз хотиржам бўлади.

Келинг, азизлар, ўткинчи бу дунёда ҳурматимизни йўқотмайлик, мисқоллаб йиққан обрўимизни ҳовучлаб сочиб юбормайлик. Инсон деган қутлуғ, муқаддас номга муносиб бўлишга интилайлик.

Н. САНГИРОВА
Янгиер шаҳри

Акс садо

СИЗГА САБР ТИЛАЙМАН

"Ҳаёт гўзал, лекин..."-43-сон

ЭСЛАТМА: *Онажоним 45 ёшида оламдан ўтдилар. Бу уйга нафақат келин, балки 8 етимга ўгай она бўлиб тушганларини тўй куни билибдилар. Сўнг 2 қиз, бир ўғилли бўлганлар. Аммо тақдир экан, онамдан ҳам бувамдан ҳам эрта айрилдим. Тоға ва холаларимдан, ҳаттоки бувимдан ҳам кўнглим совуган.*

МАВЛУДА

Мавлудахон! Сингилгинам, ҳаёт синовлардан иборат. Шундай экан бандаси ҳамиша Аллоҳ таолодан шу синовларни енгиб ўтиши учун сабр тилаши лозим. Ўз онангиз ҳаётини таърифлаб ёзибсиз. Худойим жойларини жаннатдан қилган бўлсин.

Мавлудахон синглим, сизга сабр, сабр ва яна сабр тилайман. Тушунаман, бу жуда қийин нарса, худди шундай айрилиқ менинг ҳам бошимдан ўтган, шунинг учун ҳам сизни чин дилдан тушунаман.

Синглим, бу ёғига энди сиз ўзингизни қўлга олинг-да, яшашга интилинг. Аллоҳ меҳрибон! Ҳечам ундан умидингизни узманг. Ахир сиз ҳали жудаям ёшсиз. Худо насиб қилса ҳали сиз учун бахтли кунлар олдинда. Ишонаверинг. Ишончим комилки, Сиз ҳали етти ухлаб туш кўрмаган БАХТ эгаси бўласиз. Хатингизда шундай савол бергансиз: "Азиз одамлар, айтинглар, энди кимга суянай, барча тоғларим қулади бу дунёдан",- деб.

Мавлудахон, мен сизни икки қаноти синган оққушга ўхшатаман. Вақти келиб шу икки қанотингиз билан юксакларга парвоз қилишга қодир бўласиз. Қандай дерсиз? Ахир ҳар бир инсон ўз жуфти билан яралган-ку, тўғрими? Шунинг учун вақти-соати етиб Сиз ҳам турмушга чиқасиз, фарзандлар кўрасиз. Бир қанотингиз - бу сизни ҳамиша севиб, ҳурмат қилгувчи жуфтингиз бўлса, иккинчи қанотингиз эса - бу сизнинг меҳрибон, ширинданшакар фарзандларингиз бўлади.

Юрагингиз сиқилган пайтларда Сиз китоб ўқишга ҳаракат қилинг. Китоб қалбингизни ёритиб, юрагингиз сиқилишини кетказади.

Ўз яқинларингиздан эса хафа бўлманг. Улар ҳам вақти келиб ўз айбларини тушунишар. Сиз улар учун Аллоҳдан имон тиланг. Ўшанда уларнинг феъл-атворлари яхши томонга ўзгаради. Билингки, "Етимнинг ризқини қийган одам - ўзи учун дўзахдан жой ҳозирлагандир".

Мол, мулк, давлат - булар ҳаммаси ўткинчи. Лекин бир оғиз ширин сўз, қилинган беминнат яхшилик эса жаннат дарвозаларини очишга қодирдир.

Синглим Мавлудахон, Сизга чин дилдан ҳаётда ўз ўрнингизни топиб олишингизни тилайман. Ҳеч ҳам руҳан тушманг.

Саида ФОЗИЛОВА
Тошкент шаҳри

У СИЗНИ СЕВГАНДА...

"Уйда тўй тараддуди, мен эса..." - 44-сон

Синглим Малоҳат! Ёрдам сўраб, илтижолар қилиб битган мактубингизни ўқидиму, билиб-билмай қилиб қўйган ишларингиздан жуда хафа бўлдим. Қўлимга қоғоз ва қалам олиб, сизга озми-кўпми маслаҳат бермоқчиман. Мактабни аъло баҳоларга битирибсиз, келажагингиз ҳақида ўйлаб, бирор билим юртига ўқишга кириб ёки бирор ҳунар ўрганишни олдингизга мақсад қилиб, шунга эришиш учун ҳаракат қилиш керак эди. Сиз эса Шерзод билан учрашувни канда қилмай, ҳатто "бир жойга олиб бораман" деса сўрабсуриштирмай кетавергансиз. "Мен Шерзод билан шу вақтгача юрган бўлсам ҳам бирга бўлмаганман" дебсиз. Бу гапингизни қандай тушунса бўлади? Биз ҳам икки йил бир-биримизни синаб турмуш қурганмиз. Лекин чегарадан чиқмаганмиз. Сиз эса Шерзодни жуда севардим деб дарров шартига рози бўлибсиз. Шерзод эса 15 ёшингиздан бери авайлаб юриб нега сизга ишонмас экан? Агар сизни айбингиз бўлмаса, Шерзод билан биргаликда аёллар врачига мурожаат қилиб айбингиз йўқлигини исботлаш керак эди. Бахтиёр ҳақида ўйлашга ҳаққингиз йўқ деб ўйлайман. Оппоқ либосга ўралиб, келин бўлиш ҳақида жуда кеч ўйлабсиз. Бахтиёрни эса бошини айлантирманг, Шерзоддан қолманг.

ЭСЛАТМА: *Шерзод билан дўст тутиниб, сўнг бир-биримизни ёқтириб қолдик. Бир куни у менга уйидагиларининг қарши бўлишаётгани, агар фарзанд бўлса, улар рози бўлишини айтди. Афсуски... Энди мени Бахтиёр деган йигитга турмушга беришмоқчи. Бироқ бўлиб ўтган воқеалардан жуда ҳам қийналаяпман...*

МАЛОҲАТ

У сизни севганда шунча азобга қўймасдан уйланиши керак эди. Шерзоднинг таъна тошларидан қочишни ўйламанг, бу аҳволда кимга тегсангиз ҳам тилингиз қисқа, бошингиз ҳам бўлади.

Ёки Бахтиёрга тўйдан олдин ҳамма бўлган воқеани айтиб-тушунтириб рози бўлсагина у билан турмуш қуринг. Кейин яхши муомалангиз, камтарлигингиз, қолаверса ҳалол меҳнатингиз билан ўзингизни оқланг.

Феруза КОМИЛОВА
Бухоро вилояти

СИҲАТГОҲ ТЕЗРОҚ БИТСА...

"Шифобахш сув дардмандларга дармон бўлсин..."-29-сон

ЭСЛАТМА: *Олинган маълумотларга кўра, Кўшраёт-Кўшоғочдаги қудуқдан чиққан сув ниҳоятда шифобахш. Агар шу муаммо ҳал қилинганда аҳолининг нафақат саломатлиги, балки иш билан таъминлаш борасидаги масалалар ҳам ечими топиларди.*

М. УБАЙДУЛЛАЕВ

Бизнинг Сурхондарё вилоятида ошқозон, ичак, юрак қон-томир, асаб, бўғин, жигар, ўт хасталиклари билан оғриган беморлар бор. Кўшработ-Кўшоғочдаги қудуқдан чиққан сув шифобахш экан. Сиҳатгоҳ қурилишини тезда тамомлаб аҳоли эҳтиёжи учун ишлатилса нур устига аъло нур бўлар эди.

Самарқандга бориб келиш учун қанча вақт ва маблағ сарфланади. Идишларга солиб чиқарилса, ҳам давлат, ҳам аҳоли учун фойдали бўлар эди.

Нафиса ШОБЕРДИЕВА
Сурхондарё вилояти,
Ангор тумани

АСЛО ТУШКУНЛИККА ТУШМАНГ

"Мен ҳам севилиб яшармиканман?" - 51-сон

ЭСЛАТМА: *Ёшим 31 да. Севимли ишим бор. Топиш тутишим ёмон эмас, оилада ҳаммага керакман. Дунёда мени ҳам дардимни эшитадиган сирдошим бўлса дейману, аммо...*

НАРГИЗА

Қадрли Наргизахон! Сизнинг мактубингизни ўқиб, сизга хат ёзмоқдаман. Бир кам дунё. Бахт билан давлатнинг, фарзанднинг эрта-кечи йўқ. Шукр қилинг, севимли касбингиз, жамоангиз, ота-она, жигарларингиз бор экан. Сизга жирканч ниятларига етмоқ учун қилинаётган таклифларга кўнмай, тўғри қилгансиз. Ўз оиласига, аҳли аёлига вафо қилмаган асло сизга ҳам вафодор бўлмайди. Сизга ўхшаб ўқиб, ишлаб, ўз бахтини кутиб, умрини ўтказаётган бирон йигитни учратсангиз, ажабмас. Асло тушкунликка тушманг. Саришта, ораста ва дилбарликни қўлдан берманг. Аввалроқ наҳот сизга бирон йигит севги изҳор қилмаган бўлса? Ёки ўзингизга бирон йигит ёқмаганми? Майли, ўкинманг. Ушбу янги асрда сизга бахт тилайман. Илоҳим бахтингиз безавол бўлсин. Қуёш оламни иситади. Дўстлик меҳри, муҳаббат сеҳри дилларни иситади, нурли қилади. Албатта муҳаббатли, мурувватли, саховатпеша, ҳаёли бўлишга интилинг. Шундагина севгингиз саройининг султонини - севикли маликаси бўласиз. Рўзғор эса истироҳат боғи эмас. Баланд, пастига бардошли бўлсангиз, албатта манзилига етолмаган умидларингиз ўз эгасига, ўз қасрига етиб боради. Сизга чексиз бахт тилаб қоламан.

Машҳура ИСОҚОВА
Андижон вилояти,
Пахтаобод тумани

Азиз отажонимиз Облокул БОБОҚУЛОВ!

Туғилган кунингиз қутлуғ бўлсин! Сиз халқ таълими ва маданият соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилдингиз. Ҳозир ҳам маҳалланинг қувончу ташвишига шерексиз. Илоҳ, фарзандларингизнинг шодлигига, бахтига шерик бўлиб узоқ умр кўриб юрсин.

Умр йўлдошингиз Гулнора, ўғлингиз Турғун, келинингиз Шаҳноза, набираларингиз Шаҳло ва Дурдона

Азиз фарзандимиз НОДИРЖОН ва жажжи қизалоғимиз ЗАЙНАБХОН!

Сизларни туғилган кунингиз билан табриклаб, сизларга соғлиқ, узоқ умр ва бахт тилаймиз. Доимо якинларингиз бахтига омон бўлгин!

Исломовлар ва Алихоновлар оиласи

Азиз холажоним КАРОМАТ опа!

Сизни 14 феврал - туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга Аллоҳдан соғлиқ, узоқ умр, омад тилайман.

Муҳайё

Азиз ва ардоқли Собит қори ўғли СОБИТХОН ва ШАРИФАХОН!

Сизларни 18 феврал куни нишонланадиган 60 ёшингиз билан ўнг қалбдан табриклаймиз. Соғ бўлиб фарзандларингиз камолини кўриб юришларингизни Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Эҳтиром ила волидангиз Камолхон, қизларингиз Говсияхон, Покизахон, Фотима ва Зуҳрохон

Ҳурматли ФАХРИДДИН ака!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий муборакбод этаман. Сизга соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт ва омад тилаб эҳтиром ила

Оила аъзоларингиз ҳамда дўстларингиз

Яшаш завки экан мудом дилда ёр,
Тарк этмасин сизни омад, бахт, ваҳор,
Умр йўлингизни тарк этмасин нур,
Тарк этмасин ҳеч вақт ғўзаллик, сурур.
Кўнгил улуғлигини мудом бахтини,
Мартаба безасин дил дарахтини.
Сиз севган дили-қиз, сиз севган ул ёр,
Сиз билан ҳамиша бўлсин бахтиёр.

Ҳурматли ЭЛЁР ака!

Сизни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Ишларингизда омадлар тилаймиз.

Акангиз Хайрулло, келинойингиз Насиба, укангиз Шавқиддин ва Жамшид

Волидаи муҳтарамамиз Айтгул ТОЖИБОЕВА!

Сизни асримизнинг биринчи йилида илк бор нишонланадиган туғилган кунингиз - 61 га тўлишингиз-ла қутлаймиз. Биз фарзандларингизнинг бахтига соғ бўлгин.

XX асрда эришмаган орзуларингизга XXI асрда эришишингизга тилакдошмиз.

Отамиз Ғайип ота билан бизнинг бахтимиздан қувониб узоқ умр кўриб юрингиз.

Ўғлингиз Худойназар

Ҳурматли Муқаддасхон МЎМИНОВА!

Сизни 16 феврал - таваллуд кунингиз билан ўнг дилдан қутлаймиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз, ёқтирганингиздек яшаб, ишларингиздан тавассум армасин. Фарзандларингиз камолини кўрсин. Эҳтиром билан

Санаев Х, ўғилларингиз Яшнарбек, Жаҳонгиржон

Самарқанддаги 8 март фабрикаси яқинида жойлашган уч сотих ери, уч хонали, катта айвонли, барча қулайликларга эга ҳовлимни Тошкентда - иккита икки хонали уйга алмаштираман. Қизиққанлар қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқандда - 35-55-15,

Тошкентда - 133-04-50, соат 19.00 дан кейин 34-60-78.

Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги А. Қодирий номли 49-ўрта мактабдан Жабборов Ҳабибулло Тошпўлатович номига 13-июн 1998 йилда берилган **О`R- Г 0006905** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги Х. Исломов номли 41-ўрта мактаб томонидан 1993 йилнинг 12 июнида Ахунходжаева Мунаввар Камоловна номига берилган **АУ 314118** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЭЪЛОН!

"Матбуот тарқатиш уюшмаси" АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 19 феврал 2001 йил соат 11.00 да бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2000 йил иқтисодий - хўжалик фаолияти якунлари.
2. 2000 йил якунига кўра дивидендлар тўлаш.

Умумий мажлисни ўтказиш жойи: Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Мажлислар зали. Акциядорларни рўйхатга олиш 19.02.2001 йил соат 9.00 да бошланади.

"МТУ" АЖ Кузатув Кенгаши

ОИЛА - 6

38 ёшли, уй-жойи бор, фарзандсизлик туфайли ажрашган. Олий маълумотли ўқитувчи аёл уйим-жойим дейдиган, оилапарвар 48 ёшгача бўлган эркак киши билан танишиб бахтли оила қурмоқчи (1-2 фарзанди бўлса ҳам майли).

Икки ҳафталик амалий косметология курслари. Тел: 34-55-50, 46-79-24

Табиий дори-дармон маҳсулотлари билан сил, пес-мохов, бўғин, тери, қанд, рак хасталикларини даволаймиз. **Тел: 75-43-38**

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориғ бўлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун телефонлар: 74-71-29. 19 дан кейин.

«ЎКТАМХОН» ўқув курси ўқишга таклиф этади

1. Тикиш-бичиш - 6 ой. Бунда сиз аёлларнинг 100 дан ортиқ замонавий либослари, костюм-шим, бешик жиҳозларини тикишни ўрганасиз.
2. Ҳамширалик- 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулотлари ўтилади.
3. Сартарошлик- 3 ой.
4. Тиббий массаж - 2 ой.
5. Торт ва турли хил пиширикдар - 2 ой.
6. Парда тикиш - 1 ой.
7. Тўқувчилик - 3 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади.
Манзилгоҳимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 21-уй, 1-хона
Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 125-35-18
Ўқиш март ойидан бошланади.

МАШАҚҚАТГА ДОШ БЕРИБ ЯШАРДИМ...

Қайда ўзи ўша бахт?

Ишонган кўнгил баъзан алданар экан. Мен ҳам севиб турмуш қургандим. Минг афсус-надоматлар бўлсинки, умид билан бир ёстиққа бош қўйган турмуш ўртоғим орадан икки йил ўтмай бошқа қиз билан танишиб, ўша қизга уйланиб кетди. Ҳозир ёшим 30 да. Бир фарзандим билан ажрашиб, уч йилдан буён ота-онамнинг уйида яшаяпман. Шунча йиллик орзу-умидларим сўнди...

Яхшиямки, олий маълумотлиман - севимли касбим бор. Оғир кунимда қизчам билан овундим. Аммо, мен ҳам ўз бахтимни топишим керак-ку. Агар ўзим каби кўнгли ярим, ҳаётда бахт топмаган уйли-жойли, касб-ҳунарли (ёши 40 гача бўлган) эркак бўлса, бир умр у билан ҳаётнинг паст-баландларига дош бериб яшардим.

Д.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; ● пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● машинада гул тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащчларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик.

Диққат!!! 2001 йил февралдан бошлаб махсус кичик гуруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул қилиш ва ўқитишни бошлаймиз.

Ҳар куни якка тартибда олиб борилган унумли машғулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойда ўзлаштирасиз. **Битирганларга диплом берилади. Қабул ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 12 гача.**

Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.
Мўлжал: Метронинг «Амир Темур» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 162-49-85 (кечқурун).

ЁДНОМА

Хотира - муқаддас

Ҳар тун тушларимда сени кўраман,
Ҳар кун хаёлимда кулиб турасан.
Кучоғимни очсам қочиб кетасан,
Дунёни тарк этиб кетган, Бегижон!
Эсласам вужудим титраб кетади,
Дарахтлар баргини йиғлаб тўкади.
Жигарим! Ҳар лаҳза қадринг ўтади,
Дунёни тарк этиб кетган, Бегижон!
Сенгина отангнинг чироғи эдинг,
Чироғин кеч ёқиб эрта ўчирдинг.
Кулгу билан келиб йиғлатиб кетдинг,
Бемаҳал дунёни тарк этиб кетдинг.
Бегалижон, сенга кўнгил қўйгандик,
Орзу-ҳавас билан тўйлар кутгандик.
Куёвликка етмай кетган, Бегижон,
Бизларни куйдириб кетдинг, Бегижон!

Зебо НОРОВА

Тошкент, Юнусобод тумани

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ курсларга қабул қилади:

Бу ерда сизга, Бурдадаги энг сўнгги модалар асосида осон ва тез мукаммал бичиб-тикишни ўрганиб олишингизда сизга малакали дизайнерлар ўз иш соҳасини уста мутахассислари холисона ёрдам берадилар.

2-ойлик

Торт ва салат (Европа усулида, бурда бўйича).
Массаж (ёш болалар ва катталар учун).
Эркаклар костюм шими.
Аёллар костюм, плаш, пальтоси.
Косметология (амалиёт билан).

3-ойлик

Бичиш-тикиш (сиз хоҳлаган фасонда).
Акушерлик (амалиёт билан).
Сартарошлик (амалиёт билан).
Парда-покривал (замонавий Элита усулида).
Инглиз тили (бошловчи давом эттирувчилар учун).

Диққат! ХОЛИС-УМИД фирмаси тезкор махсус кичик гуруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул эълон қилади ва ўқитади, бунда сиз ҳар куни 1 ой давомида фирмани ҳар бир курсини умумий ўзлаштирасиз.

Битирганларга диплом берилади.

1-МАНЗИЛ: «Халқлар Дўстлиги» метроси. Олмазор массиви, 14-уй, 126-хона, 6-йўлак. 2-МАНЗИЛ: «Буюк ипак йўли» метроси бекати. Зеленьский кўчаси, 12-уй. Тел: 47-09-52, 45-98-96, 162-98-81, 162-30-84.

ҚИДИР...

"Оила ва жамият" ўгитномаси

Фарзандларинг сени ҳечам
ҳурмат қилмаса,
Оилангда қут барака асло
бўлмаса,
Аёлинг сени ташлаб
агар уйига кетса,
Аввал айбни эр йигит
ўзингдан қидир,
Менда ҳеч айб йўқ деган
сўзингдан қидир.
Қилаб юрган орзуларинг
гар амалга ошмаса,
Қилган яхшиликларинг
гар одамлар билмаса,
Ҳамма сендан нафратланиб
гарчи юзин ўгирса,
Аввал айбни эр йигит
ўзингдан қидир,
Менда ҳеч айб йўқ деган
сўзингдан қидир.

Умида ЙЎЛДОШЕВА

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади

2 ойлик

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - Бухороча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш. (енгил ва устки кийимлар).
5. Замонавий пардалар тикиш.

3 ойлик

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
3. Тикиш-бичиш моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар).

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона.
Мўлжал "Алишер Навоий" метро бекати.

Тел: 144-03-25, 23-84-15

МЕНИНГ БАХТИМНИ ЎЙЛАШМАДИ

Мен "Оила ва жамият"нинг мухлисиман. Агар бирор сонини сал кечроқ олсам борми, қўлим ишга бормайди. Мен 37 ёшга кириб ҳали бирор марта ҳеч кимга ичимни бўшатмадим, лекин юртдошларимга ёрилсам, бироз енгил тортармиканман, деб ҳат ёздим. Исмим Меҳриддин, бообрў оиланинг тўнғичиман, олий маълумотли, топармон-тутармон, хушчақчақ эдим. Ота-онам ва ўзимга маъқул қиз билан 15 йил аввал ҳаётимни боғладим. У олийгоҳнинг 3-курс талабаси, мен эса 6-курсда эдим. Аёлим ақлли, фаросатли, гўзал, хушмуомала, нима кийса янада очилиб кетадиган, вафодор эди. Уни чиройли ва содда бўлгани учун жуда рашк қилардим. Шу туфайли ўқишни ташлашга, ишдан кетишга мажбур бўлди. Бошида қаттиқ қаршилик қилди. "Иш-ўқиш десанг, катта кўча",-дедим. Мен уни кетмаслигини аниқ билардим, чунки у ҳомиладор эди. Қолаверса, унинг сабрли-чидамли эканини билардим. Қайтишни эса ор-номус деб биларди. Тўйимизга бир йил бўлганда қизлик бўлдик. Гарчи ўғил бўлишини хоҳлаган бўлсам-да, юзимиз ёруғ бўлганидан жуда хурсанд бўлдим. У бўлса фарзандли бўлгач, бола билан овора бўлиб қолди. Уни ойламизда ҳамма яхши кўрарди. Отам у нонушта вақтида бир оз кечикса усиз тамадди қилмасди. Бизни, яъни онамни, мени, 5 та синглимни ва укамни отамиз аёлимни ҳурмат қилишга, эъзозлашга, ҳимоя қилишга чақирарди. У ҳам шуларга лойиқ эди. Ишдан кеч қайтсам ҳам ўйнаб-кулиб, кучоқ очиб кутиб оларди. У билан гўё ўзимни осмонда ҳис қилардим. У жуда чиройли, ҳатто жаҳли чиқса ҳам янада гўзал бўлиб кетарди. Орадан бир йил ўтиб яна қизлик бўлдик. Мен бундан унча хурсанд бўлмадим. У эса мендан хижолат бўлиб, ҳатто сути қочиб, аҳволи оғирлашди. Отамни далдаси сабаб у ўзини қўлга олди. Чақалоқ 4-5 ойлик бўлгандагина уни суйдим, чунки у худди менинг ўзим эди. Қизларим мени жуда яхши кўришар эди. Аёлим ҳам мени жуда севар, соғиниб яшар эди. Уришиб қолсак, бир баҳона билан ё у, ёки мен тезда ярашиб олардик. Дўстларим, маҳалладагилар, қариндош-уруғларимнинг менга ҳаваси келарди. Яна бир йил ўтиб у ҳомиладор бўлди. Ҳамма нохушликлар шундан кейин бошланди. Онам ўз қизидан аъло кўрган келинини кўрса ўзини ташлаб юборадиган бўлди. Менга: "Сен қўймасанг, мен уни кўяман, жавобини бер",-дерди. "Ойижон, бир оз сабр қилайлик, эсон-омон қутулиб олсин, яна хизматингизни ўринлатади, кўнглингизни олади",- дедим. Лекин улар мендан ранжиб: "Хотин йўлингда, бола белингда, онани тополмайсан", - деб унинг камчиликларини очиб ташладилар, "Болани туғмасин овора бўлиб, барибир уни бу ерда яшаттирмайман",- деб туриб олдилар. Аёлим ҳам худди гаплашиб олишгандай: "Ойимни кўрсам, негадир ўзимни ёмон ҳис қиламан, балки ҳадеб: "Сиз билан баробар тушган фалончининг келини ўғил кўрибди, тугунчи қариндошимизнинг келини ўғил кўрибди",-деяверганлари учунми, билмадим, кўрмасам дейман",- дерди. Аввалига уларга унча эътибор бермадим. Қайнона-келин можароси деб ўйладим. Кундан-кун уйимда тинчлик йўқолиб, урушжанжал кучайиб борарди. Уйга келгим келмай қолди. Бошим қотди, нима қилишни билмасдим. Онамни десам - оилам, хотин, бола-чақам десам - онамни кўзим қиймасди. Боши берк кўчага кириб қолдим. Шунда яқин бир танишим кўнглимни сўраб қолди. Менга бир вақтлар кимдандир эшитганини сўзлаб берди. "Аёлга Аллоҳ таоло томонидан берилган ҳомилага 40 кунда жон ато этилар экан, яъни руҳ ато этилар экан. Ана шу руҳ ташқи оламдаги баъзиларни жуда ёқтирар, баъзиларни эса ёмон қабул қилар экан. Бу ҳолат бола дунёга келгунича давом этаркан". Бу гапни эшитиб бир оз енгил тортдим. Балки аёлим уч йил ичида тўрт ҳомила кўргани учун асаби ёмонлашгандир деб тахмин қилдим. Ҳомиласи 4 ойлик бўлганида уйимдаги вазият анча оғирлашди. Онам келинини ҳайдар, у бўлса: "Шу уйдан ўлигим чиқади",- деб кетмасди. Уйим 5-6 ойча нотинч бўлди, лекин на қўни-қўшни, на қариндош-уруғ, қайнонақайнотам ҳам буни билишмади. Ўйлай-ўйлай онамни ҳам, аёлимни ҳам қизғониб, болани аборт қилдиришга аёлимни кўндирмоқчи бўлдим. Онам индамадилар. Лекин аёлим ҳомила қимирлаганини, агарда олдирса, ўғил бўлса мени, ойимдагиларни, ўзини бир умр кечирмаслигини, Худодан қўрқишини айтиб кўнмади. Мен ҳам бўш келмадим. Оиламиз бахти, тинчлигимиз, болаларимиз, мен учун шундай қилишга уни зўрға кўндирдим. У индамай бир ҳафта юрди. Сабр косаси тўлдими, ёки Аллоҳ уни асрадими билмайман, у болани олдирмасликка аҳд қилганини айтди. Бундан мен ҳам ранжидим, уйимдагилар ҳам. Шунда у ҳеч кимни танимай қолди. Отамдан, онамдан, мендан, барча оила аъзоларимиздан воз кечса ҳамки, боладан кечмаслигини билдирди. Жаҳл устида ҳаммамизни ҳақоратлаб ташлади. Шу баҳона бир ҳовлида мен, оила аъзоларим билан алоҳида, у икки фарзандим билан оғироёқ ҳолида алоҳида яшай бошладик. Бир ҳовлида яшаб бир-биримизни кўрсак-да гаплаша олмасдик. Уни юпатгим, эркалагим, у билан узоқ суҳбатлашгим келарди. Лекин ота-онамни дилини оғритиб, ҳақорат қилгани учун уни кечира олмасдим. Хуллас, аёлим ниятига етиб кўзи ёриди. Туғруқхонага мен ҳам, отаонам ҳам бормадик, хабар ҳам олмадик. Бир танишим ўғил кўрганим билан табриклаб қолди. Мен бундай бўлишини кутмаганим учун ўзимни йўқотиб қўйдим. Туғруқхонага қандай бориб қолганимни билмайман. Ўзимда йўқ хурсанд эдим. Ўғлим ҳаққи уни ҳозироқ кечиришга тайёр эдим, ҳаттоки кечирим сўрамоқни хоҳлардим. Туғруқхонадагиларни гапи мени гангитиб қўйди. Ўша куни кўзи ёриган барча аёллар ўғил кўраверишибди. Мени аёлимга адаш бўлган аёл ҳам ўғил туғибди. Лекин фақат мени аёлим қиз кўрибди. Шунда ғазабим қўзиб, шифокорларга суюнчи бериш ўрнига уларни қойидим. Кўчага отилиб чиқиб кетдим. Ҳаттоки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома учун ҳам бормадим. Бошқа шаҳарга бизнес баҳона кетдим. Худди иккинчи қизим дунёга келганидаги каби. Шу кетганимча 1-1,5 ой йўқ бўлиб кетдим. Уйга келсам, у ҳалиям шу ерда - уч бола билан алоҳида яшаётган эди. Уни кўриб, ростини айтсам, ачиниб кетдим. Бориб бағримга босгим, болаларимни қучгим келди-ю, нимадир йўл бермади, уятми, андишами, ёки ўғил кўрмаганим алам қилибми, хуллас билолмадим. Учинчи фарзандим туғилганда оиламизга дарз кетганди. Уни тиклашни фойдаси йўқ, деб ҳисоблаган ота-онам маслаҳати билан биз ажрашдик. Одатда ажралишдан аввал эр хотинга уч марта: "Кет, йўқол, талоқсан",-деб айтиши керак экан. Мен бўлсам бор-йўғи бизни яраштиришга йиғилган бир уй одамлар олдида ота-онамни қаттиқ ранжитгани учун, ҳатто у кечирим сўраса-да, мен: "Овора бўлманглар, ҳаётимиз энди бўлмайди",- дедим. Шу оихирги сўз тақдиримизни ҳал қилди. Меникига бир ўзи келган аёлим 4 киши бўлиб кетди. Мен анчагача кўниколмай юрдим, ичичимдан эзилдим. Уйдагилар бўлса келин топиш билан овора эдилар. Орадан 2 йил ўтиб улар ҳоли жонимга қўймай бир қизга уйладилар. У қиз ҳам яхши экан. Лекин барибир аввалги аёлимга ўхшата олмадим. Иккинчи оилам билан 10 йил яшасам ҳамки Аллоҳ менга тирноқ бермади. Бормаган табибу дўхтир, қилмаган муолажаларимиз қолмади, ҳаттоки мана-ман деган шифокорлар ҳам ёрдам бера олмади. Шунда ота-онам уни жавобини беришимни, таваккал яна бир уйланишимни маслаҳат беришди. Мен уларга рад жавобини бердим. Ота-онам агар уни қўйсам, аввалги аёлимни, болаларимни олиб келишга ваъда беришди. Мен бундан ичимда жуда хурсанд эдим. Ўтган йиллар давомида уларни очиқ кўролмасам-да, уларга сездирмай кузатардим. Мактабга кетишаётганда-келишаётганда узоқдан машинамда жимгина йиғлаб томоша қилардим. Улар буни сезишмасди ҳам. Аёлим эса келган совчиларни қайтариб, мени келиб олиб кетишимга умид қилишини билардим. Ота-онам аёлимни кечиришларини, у яна фарзандларим билан бағримга қайтишига умидвор бўлдим. Аммо янглишибман. Уйдагилар иккинчи оилам билан ажрашганимдан кейин узоқ бир қариндошимизни эрдан қайтган ёшгина қизига уноштириб қўйишди. Мен уларга уйланмайман десам, "Биз ҳам қариб қолдик, бир оёғимиз гўрда бўлса, биринчи аёлингни биз кечирганимиз билан, у ва фарзандларинг: "Шунча йил биздан бирор марта ҳам хабар олмадингиз, боқмадингиз, кийинтирмадингиз, тарбия бермадингиз, меҳрга зор қилдингиз деб таъна қилса, уларни олиб келганинг учун пушаймон бўласан. Ҳали ёшсан, болалик бўлишга улгурасан, хўп де, шу қизга уйланишга",- деб туриб олишди. Хуллас ота-онамни раъйини қайтармай, улар қарғишига учрамаслик учун: "Ўзингиз биласиз", дедим. Келин келган куннинг эртасига муҳим ишим борлигини баҳона қилиб узоқ шаҳарга кетдим. Ҳозир уйдан чиқиб кетганимга бир йил бўлди. 1-2 марта ота-онамни бирров кўриб қайтдим. Бу шаҳарда миллати бошқа бўлган дўстларим билан бизнес қиламиз. Мен уларникида, гоҳида меҳмонхонада яшайман. Улар мени ҳаётимни билишади. Шунинг учун биринчи оилангни ҳам олиб кел, биз ўзимиз сенга уй ҳадя қиламиз, бахтли ҳаёт кечирасизлар, балки Худо хоҳласа ўғиллик ҳам бўларсизлар,- деб қўйишмайди. Менда бўлса бунга журъат етишмайди. Ҳозир борсам у мени кечиришини, ақалли болаларим учун кечиришини ич-ичимдан ҳис қиламан, лекин энди боришга уяламан. Шунда армон қиламан: ота-онам мен учун, менинг бахтли бўлишим учун уни ўшанда кечиришганида эди, аёлингни сўрамасанг ҳам, болаларингдан хабардор бўлиб турмасанг мен сендан розимасман, оқ қиламан деб пўписа қилсалар эди, ёлғондан айтишса ростдан учиб борардим. Шу пайтгача шуни кутиб яшаяпман. Ахир менинг ҳам сингилларим, укаларим, ошналарим каби бахтли яшашга ҳаққим бор-ку. Қанийди шу гапларни ота-онамга очиқ айта олсам, қанийди мени бахтим учун улар ҳам биргина аёлимнинг ёшлик, тезлик қилиб қўйган хатосини кечирсалар эди, дунёда мендан-да тўкис одам бўлмасди. Шунда улардан миннатдор бўлардим. Мана, уйланганимга бир йил бўлди ҳамки, учинчи аёлимда ҳомила йўқ. Мен ҳали ундан фарзанд кўриб, то уни қўлимга олгунимча, биринчи фарзандим оилалик, фарзандлик бўлади, яъни мен бува бўламан. Шуларни ўйлаб эзиламан. На туғилган кун, на байрамда уйга бормасам дейман, чунки ҳамма сингилларим, укаларим ўз умр йўлдоши, болалари билан келишади, мен эса ёлғиз. Шунда менга алам қиладиган жойи, мен тўнғич фарзанд бўлганим учун ҳам уларнинг тўйларида, бешик тўй, ўғил тўй, ҳовли тўйларида елиб-югуриб хизматда бўлдим, асл-асл совға-саломлар қилдим, топганимни шуларга сарфладим. Болаларимга эса бирор марта ҳам ўз ҳолимча на бир кийим-кечак, на озиқ-овқат олиб бориб бермадим. Лоақал жигарларим уларни ҳолидан хабар олишмабди. Ўзим бўлсам энг кам иш ҳақининг 50 фоизи ҳисобида, давлат тайин қилган алиментини тўлаш билан чекландим, холос. Биттагина акаларини бахти учун ота-онамни йўлга солишни ўйлашмабди.

Шу ўринда мен барча ота-оналардан ўзларининг обрўларини, мавқеларини, бойликларини бир зум унутиб, барча фарзандларини бирдек кўришларини илтимос қилардим. Оёқлари остига ётиб кечирим сўраган одамни босиб ўтмасдан, кечиримли бўлишларини сўрардим. Ахир Аллоҳ уларнинг ҳам қайси бир гуноҳларини шунда кечиради...

Дил изҳори

МЕҲРИДДИН

Собир Раҳимов тумани

САНЪАТКОР БЎЛИШ ОЛИЙ БАХТ

Суҳбатдошим - Озода АБДУЛЛАЕВА, Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг етук актрисаларидан бири. У 25 йилдирки ана шу қутлуғ даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда. Озода опа шу пайтга қадар 60 га яқин хилма-хил образлар яратди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Оиламиз меҳмони

- Озода опа, санъатга кириб келишингиз ҳақида гапириб берсангиз.

- Санъаткор бўлиш болаликдаги орзуим эди. Мактаб саҳнасида қандай кўринишлар, спектакллар намойиш этилмасин, албатта бирор бир образни ижро этишга ҳаракат қилардим. Масалан, "Бой ила хизматчи"да Гулбаҳор, "Алишер Навоий"да Гули. Шунингдек, берилиб қўшиқ ҳам куйлардим. Ўқитувчим Қўлдош Бекмирзо мендаги санъатга бўлган қизиқишни жуда яхши билардилар. Адабиёт дарсида шеърий мисраларни, парчаларни кўпроқ менга ўқитарди. Айниқса, қўшиқ куйлаётганимда ўзимни осмондагидек ҳис этардим. Ана шундай қизиқишларим сабаб Тошкентдаги Санъат олийгоҳи менга ўз бағрини очди.

- Турмуш ўртоғингиз Адҳам Абдуллаев ҳам санъаткор. Сизлар ҳамиша биргаликда, ёнма-ён фаолият кўрсатиб келасизлар. Адҳам аканинг бошқа касб эгаси бўлишини хоҳлармидингиз?

- Ростини айтганда, санъатнинг машаққатли йўлини босиб ўтишимга ва ушалаёган орзу-ҳавасларимнинг барига Адҳам акам сабабчилар. Ким билсин, агар у киши ўзга касб эгаси бўлганида санъаткор дилини, тилини тушунармидилар?..

- Борди-ю, қайта туғилганингизда яна санъаткор бўлишни хоҳлармидингиз?

- Бу ҳақда кўп ўйлаб кўрганман. Лекин бошқа касб эгаси бўлишни хаёлимга ҳам келтиролмаганман. Санъаткор бўлиш мен учун олий бахт.

- Сиз учун яшашнинг мазмуни нимада?

- Аёлга аввало оналик бахти насиб этсин. 3 нафар фарзандим бор. Менинг орзуим, қувончим ва бахтим шулар.

- Қайси актрисаларга ҳавас қиласиз ва уларга ўхшашни хоҳлайсиз?

- Ўзбекистон халқ артисти, марҳум Лутфихоним ая Саримсоқова менинг идеалимдаги актрисадир. Ая талқинидаги ўта иқтидор билан яратилган образларнинг аксариятини Она ташкил этади. "Адолат", "Нурхон", "Шашмақом", "Маҳаллада дув-дув гап"даги она образларини бир эсланг. Лутфихон ая ҳам салбий, ҳам ижобий ролларни жуда қиёмига етказиб ижро этарди. Мен кейинги ўн йилларда, айниқса Она образларини ижро этаётганимда Аянинг бекиёс маҳоратини қўллашга ва унга ўхшашга интиламан.

- Озода опа, сиз хушовоз хонанда сифатида ҳам яхши танилгансиз. Турли миллат қўшиқларини қойилмақом ижро этасиз. Эшитишимча, концертларингиздан бирида қозоқ ва қирғиз миллатига мансуб кишилар сану-манга бориб қолганмиш...

- Ҳа, бу воқеа Сирдарё туманидаги "Малик" хўжалигида юз берганди. Ўшанда қозоқча "Танишгим келади", қирғизчага эса "Тўмарим"қўшиғини ижро этгандим. Ижроимдан сўнг қирғиз ва қозоқ томошабинлар ўртасида баҳс кетибди. Қозоқ киши "бу артист қизимиз асли қозоқ бўлса керак",- деса, қирғиз киши "йўқ, ўзимизнинг қирғизлардан",-деб мақтанибди. Хуллас, бу жанжални паспортим бартараф қилди.

- Ўтган йил Сиз учун қутлуғ йил бўлди. Сиз вилоят театрлари ўртасида ўтказилган "Саҳна маликаси" конкурсида ғолиб деб топилдингиз. Ушбу номга сазовор бўлганингизнинг боиси нимада?

- Бундай номга "Аёллар фарёди " спектаклидаги Саодат образини ижро этганим учун эришдим. Саодатнинг эри урушда, қизамиқ тошган гўдагини уйга ташлаб далада меҳнат қилади. Бироқ, кўнгли жигаргўшасида. Партком аёлга: "Рухсат беринг, бирровгина боламни кўриб келай",- дея ялиниб-ёлвораверади. Кўз ёшларини оқизади. Балки бу образ томошабинларга маъқул тушгани учун ҳам менга шу номни маъқул кўришгандир.

- Сизни "супер-тулки"дея ҳам баҳолашган. Тўғрими?

- "Қорин ботир" эртак-спектаклидан сўнг бу гапни драматург Ҳайитмат Расул айтгандилар. Ўшанда Тулки образини ижро этгандим.

- Аср бошида қандай тилакларингиз бор?

- Биз санъат аҳли қалбларга ёруғлик, яхши кайфият ато этишга ҳаракат қиламиз. Тинчлик, хотиржамлик бор жойда санъатимиз, маҳоратимизни қўллаймиз. Илоҳим, дунёмиз тинч бўлсин. Оллоҳ ризқу насибасидан дариғ тутмасин.

Севара НОРБЎТАЕВА,
Гулистон шаҳри
Ҳ. Олимжон номидаги
3-мактаб ўқувчиси

УНИ УМИД БИЛАН КУТАЙМИ?

Боши ўтган сонларда

Лекин уни у ерда, яъни қамоқда қийналганини ўйласам томоғимдан овқат ўтмайди. Ўзимни қўярга жой топа олмайман. Хуллас, Содиқнинг суди бўлди. Содиққа 5 ярим йил беришди. Мен неча йил бўлса ҳам уни барибир кутаман, - деб аҳд қилганман. Дўстларим, танишларим, яқинларим "Содиқни энди унут", деб маслаҳат беришяпти. Мен эса бундай қила олмасам керак. Наҳотки Содиқни бошига иш тушганда уни ташлаб кетсам. Йўқ, йўқ, асло. Менга яқинларим: "Бундай юрма, отангни мансабдор ўртоқларидан бирининг ўғлига тегиб ол",- дейишганида юрагимга пичоқ суқиб олишгандай бўлади. Мен худди ярадор қушдайман. Юрагимга ҳеч нарса сиғмайди. Байрамларда ҳамма хурсанд бўлса, мен хонамга кириб йиғлаб ётаман. Лекин Содиқнинг келишига умидим бор. Худога қилган илтижоларим, нолаларим етиб борган бўлса, Содиқ муддатидан аввал чиқади, деган умиддаман. Мана азизлар, мен бошимдан ўтган савдоларни бирма-бир яширмасдан ёзишга ҳаракат қилдим. Фақатгина исмларни тўлиқ ва очиқ ёзишга журъат қила олмадим. Бунинг учун мени кечирасизлар деган умиддаман. Азиз юртдошларим, янги йилда, янги асрда ҳаётда бошқа қоқилмаслигим учун мендан маслаҳатларингизни аямайсизлар. Бошимга тушган бу кўргуликларни енгиш учун қандай йўл тутишим кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазаларингизни билдирасизлар, деб кутиб қоламан. Синглингиз

О. муҳаббат

НОДИРА

БИР КЎРИШДА...

Тошкент-Сирдарё автобуси жўнашига 10 минут қолди. Одамлар автобусга шошиб-пишиб чиқиб, жой-жойларига ўтира бошладилар. Ўзига бино қўйган бир йигит автобусга чиқди ва кўзи бирдан китоб ўқиб ўтирган, келишган қизга тушди. Унинг олдига борди-да, дўрилдоқ овозда сўради:

- Ёнингизда ҳеч ким йўқми?

- Йўқ, - деди майин овозда қиз.

Йигит қўлидаги тўрхалтасини тепага қўйиб, ўтирди.

Автобус кенг йўл бўйлаб оҳиста кетарди.

Қизнинг ёнида ўтирган йигит зеркди шекилли, у ёқ-бу ёқдагиларга кўз ташлаб, чўнтагидан сигарет чиқариб, чекмоқчи бўлди. Ёнида ўтирган қиз бирдан асабий ҳолатга келиб:

- Кечирасиз, автобусда чекиш ман этилади. Ахир, ён-атрофингизда қанча одамлар ўтирибди,- деди.

Йигит индамай сигаретани чўнтагига солди ва қизнинг қўлидаги китобга назар ташлаб деди:

- Қандай китоб ўқияпсиз?

- "Иқтисодиёт назарияси", қишки имтиҳонимизда шу фандан имтиҳон бор эди.

Қизнинг майин, очиқ чеҳра билан гапириши йигитга ёқимли туюлди.

- Исмингиз нима? - сўради йигит.

- Наргиза.

- Исмингиз жисмингизга мос экан, - деди йигит яна илжайиб.

Қиз индамай китобни ўқиб ўтираверди.

- Қайси университетда ўқийсиз? - деди йигит яна.

- Иқтисодиёт университетида.

- Нима учун бу университетга киргансиз. Ахир қиз болага бу касб тўғри келмайди-ку! - деди йигит яна илжайиб.

Йигитнинг илжайиши қизнинг ғашига тегса-да, индамай ўзини босди. Орага жимлик чўкди. Автобус Тошкентга кириб келар эди. Қиз китобини ёпиб сумкасига солди. Йигит бўлса ундан кўзини узмай ўтирарди. Бу ҳолат қизга ноқулай туюлдими: - Мунча тикилиб қолдингиз?- дея сўради.

- Наргиза, тўғрисини айтсам, менга жуда ёқиб қолдингиз. Мени ўзингизга мафтун қилдингиз. Тошкентда сизни қаердан топсам бўлади, - деди йигит.

- Ўйлаб гапиряпсизми, мен сизни биринчи марта кўриб туришим, - деди қиз.

- Мен ҳам сизни биринчи марта кўриб туришим, - деди йигит.

- Қўйсангиз-чи, бу гапларни, ахир ўйлаб гапираяпсизми? Кейин бу гапларингизга афсус қиласиз...

- Йўқ, Наргиза, сиздек қизга ошиқу шайдо бўлиб қолганимга бир умр афсус қилмайман,- деди йигит.

Орага яна жимлик тушди, автобус шу вақт бекатга келиб тўхтади.

Қиз секин ўрнидан турмоқчи бўлди. Йигит ҳам ўрнидан туриб, қизнинг сумкасини олиб автобусдан тушишига ёрдам берди. Қиз йигитнинг орқасидан автобусдан тушди ва бир оёғи оқсоқланиб йигитнинг олдига келиб:

- Раҳмат сизга, хайр, яхши қолинг, - дея сумкасини олиб, оқсоқланганича юриб кетди.

Йигит индамай орқага тисарилди. Бир муддат қизнинг орқасидан тикилиб турди ва таксига миниб жуфтагини ростлади.

Буни кўриб турган ҳайдовчи ичида оғир "уҳ" тортиб, автобус эшигини ёпиб йўлида давом этди.

Шерзод ДАМИНОВ
Термиз шаҳри

«Оила ва жамият» газетаси ва «Саодат» журнали жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шомуродович Шоғуломовга

рафиқаси *Раъно ИНОЯТОВА*нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176; ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 2026
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Нашр учун масъул муҳаррир – Ҳ. ТЎЙЧИЕВ.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.